

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВА ЛАЙЛО ФРУНЗЕЕВНА

**XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ БАДИИЙ
ТАРАҚҚИЁТИДА ФОЛЬКЛОР**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
ОЛИШ УЧУН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ДИССЕРТАЦИЯ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**
**Оглавление автореферата доктора наук (DSc) по филологическим
наукам**
**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc) on Philological
Science**

Шарипова Лайло Фрунзеевна

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърини бадиий
тараққиётида фольклор 3

Шарипова Лайло Фрунзеевна

Фольклор в художественном развитии узбекской поэзии
второй половины XX века 33

Sharipova Laylo Frunzeyevna

Folklore in the literary development of Uzbek poetry
of the second half of XX century 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 70

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВА ЛАЙЛО ФРУНЗЕЕВНА

**XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ БАДИИЙ
ТАРАҚҚИЁТИДА ФОЛЬКЛОР**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
ОЛИШ УЧУН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ДИССЕРТАЦИЯ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/Fil186. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) веб-саҳифанинг www.tai.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Аҳмедова Шоира Нематовна
филология фанлари доктори,
профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович
филология фанлари доктори
Турдимов Шомирза Ғаниевич
филология фанлари доктори
Ҳасанов Шавкат Аҳадович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи илмий муассаса:

Жиззах давлат педагогика институти

Ҳимоя 2019 йил “___” _____ соат 14⁰⁰да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871)262-74-58.

Диссертация автореферати 2019. йил “___” _____ да тарқатилди.
(2019 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Назаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., академик

Р.Баракаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

Н.Ф.Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., академик

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида фольклордан фойдаланиш бадиий адабиёт тараққиётининг, жумладан, ҳар бир халқ адабиётининг турли даврларида турлича кечгани талқин ва таҳлил қилинмоқда. Зеро, жаҳон ёзма адабиёти фольклордан жанр, сюжет ўзлаштирган, вазн, банд ва қофия кабиларни қўллашни, ҳажвни, аввало, фольклордан ўрганган бўлса-да, барчасини ўз қонуниятлари асосида синтезлаштирган, ижодий ривожлантиргандир. Бинобарин, бу жараёни босқичма-босқич, айниқса, фольклорнинг ёзма шеъриятга таъсири нуқтаи назаридан изчил тадқиқ этиш адабиётшуносликнинг асосий вазифаларидан бўлиб, оғзаки поэтик ижоддан озикланган, янада нафислашган, бойиган, халқчил шеъриятни ёшлар тарбияси йўлида сафарбар этиш маънавий-ахлоқий камолотимиз учун зарурлиги мавзунинг аҳамиятини белгилайди.

Дунё адабиётшунослигида фольклор ва ёзма адабиёт, жумладан, шеърият муносабатларини турлича йўналишларда мунтазам равишда қиёсий-услубий нуқтаи назардан тадқиқ этиш барча даврларда бирдай долзарб илмий-назарий аҳамият касб этади. Хусусан, мифологияга хосликнинг фольклорга, фольклор орқали ёзма адабиётга кўчишини даврлар ва ижодкорлар мисолида ўрганиш адабиётнинг ҳам, адабиётшуносликнинг ҳам имкониятларини кенгайтиради. Зеро, оғзаки ҳамда ёзма адабиёт айрича эстетик тизим ҳисобланиб, уларнинг бир-бирига муносабати давомийлик касб этар экан, мифологиянинг фольклор орқали ёзма шеъриятга таъсири муайян бир давр шеърияти мисолида ўрганиш ҳам давр тақозосидир.

Истиклол шарофати билан барча соҳалар қаторида адабиётшунослик ҳам тобора такомил топа бориб, фольклорнинг ёзма адабиётга таъсири турлича йўналишларда таҳлил ва талқин қилиш янада кенг тус олди. Бунинг адабиётимиз тараққиётидаги ўрни бениҳоя муҳим бўлиб, бадиий адабиёт равнақи, унинг мутолааси ёшлар маънавий камолотини, эзгулик боқийлигини таъминлайди, албатта. Зеро, "...Китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ"¹. Бадиий асарларни саралаб бериш ҳамда адабиётнинг, айниқса, ёшлар маънавий камолотидаги беқиёс ўрнини белгилаш адабиётшуносликнинг доимий ва асосий вазифаларидан ҳисобланар экан, замонавий ўзбек поэзиясининг ўзига хослигини белгилашда, ижодкорларнинг бадиий маҳоратини баҳолашда, уларнинг фольклордан фойдаланиш санъатини таҳлил қилишда, давр ва шоир услубига фольклорнинг таъсири масаласини ёритишда, адабий алла, адабий ёр-ёр, адабий топишмоқ, шеърий латифаларнинг бадииятини, оғзаки ва ёзма шеъриятда мавжуд бир хил образларнинг айрича ва ўхшаш жиҳатларини ёритишда алоҳида аҳамият касб этиши диссертация мавзусининг долзарблигидан ҳам далолат беради.

¹ Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. – Б. 114.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3652-сон “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърини бўйича жаҳоннинг кўзга кўринган йирик илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Universitu of Indiana, Universitu of Michigan (АҚШ), Москва давлат университети, Россия давлат гуманитар университети (Россия), Istanbul Üniversitesi, Ankara Üniversitesi, Karabük Üniversitesi (Туркия), Миллий илмлар академияси Адабиёт институти, Baki Avrasiya Universiteti (Озарбайжон), шунингдек, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (Ўзбекистон)да илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

XX аср шеърининг янгича шеърят экани, шеърнинг шаклида ҳам, мазмунида ҳам ўзгаришлар бўлганини кўрсатиш, поэтика ва индивидуаллик масалалари сингари устувор йўналишларда рус олимлари, ўзбек адабиёти, жумладан, XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърини борасида америкалик олимлар муайян илмий изланишларни амалга ошириб, шеърини асарни ўз даври билан уйғун тарзда тадқиқ этиш лозимлиги, бу давр шеърини эрк ва озодлик ғоялари илгари сурилгани, адабиёт, жумладан, шеърят ижтимоий

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.wisconsinuniversity; www.indiana.edu; www.humboldt.edu, www.michigan.uni.edu; <https://asiacentrale.revues.org/2919>; <http://www.dissercat.com>; www.britanica.com; www.cambridge.org; www.amazon.com; www.twipx.com; www.london.ac.uk, www.ox.ac.uk, www.agency-nationalresearch.fr; www.harvard.edu, www.uni-bonn.de ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

ходиса экани, образлар олами, бадий асар қурилишидаги бадий деталлар сингари унсурларнинг маълум бир ижтимоий тизимга хизмат қилгани, янги ўзбек шеърятининг ҳам ижтимоий, ҳам эстетик ҳодиса экани (Universitu of Texas), XX аср ўзбек шеъряти табиатининг тубдан ўзгаришига жамият ва инсон муаммоларидаги ўзига хослик сабаб бўлгани, XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеъряти юз йиллик шеърятнинг бир қисми сифатида, шунингдек, даврларга бўлиниб, турли томонлама текширилгани (Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти), бу давр шеърятининг тараққиёт тамойилларига доир жиддий назарий хулосалар чиқарилгани, бу хулосалар адабиётшунослигимизни шеърятнинг ривожига, ғоявий-бадий таҳлилига оид янги қарашлар билан бойитгани (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети) аниқланган.

Дунё адабиётшунослигида XX аср ўзбек шеъряти, унинг ўзига хос хусусиятлари, унга мифологиянинг, фольклорнинг таъсири сингари устувор йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда: XX аср, жумладан, шу асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърятининг ўзига хосликлари, шеър шакли ва мазмунида юз берган ўзгаришлар моҳиятини кўрсатиб бериш; оддий ва мураккаб фольклоризмнинг оғзаки ҳамда ёзма адабиёт муносабатлари ҳосиласи экани; фольклоризмларнинг шеърят композициясида, шакл ва мазмуни мукамаллашувида тугган ўрни; фольклоризмнинг шоир услубига таъсири натижасида шеърятда образлар ранг-баранглашгани, ҳажв кучайгани; давр шеъряти услубида фольклорга хос ифода усули, ритм, сюжет синтези бўртиб кўрингани; фольклордан ёзма шеърятга алла, ёр-ёр, топишмоқ, латифа жанрлари ўзлашгани, бу жараёнда фольклор ва ёзма шеърят хусусиятлари синтезлашиб кетгани; дунё мифологияси фольклор орқали ёзма шеърятга таъсир ўтказиб келаётгани, натижада ўзбек шеърятининг поэтик ифодаси бойиб бораётгани.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослиги кейинги асрларда фольклорнинг ёзма адабиётга таъсири масаласини атрофлича ўрганиб келмоқда. Фольклор ва ёзма адабиёт муносабатлари бениҳоя кенг бўлиб, бу муаммо миллий адабиётнинг шаклланиши ва ривожланишида халқ оғзаки ижодининг роли, унга хос тасвирий воситалар, бадий шакллардан фойдаланишнинг муҳим томонлари, фольклоризмнинг тараққиёт омиллари, фольклоризмнинг бадииятга, шунингдек, ёзма адабиётнинг фольклорга таъсири каби масалаларни қамраб олади.

Жаҳон адабиётшунослиги XX асрнинг иккинчи ярмида ёзма адабиётнинг фольклордан фойдаланишини, таъсирланишини фольклоризм деб белгилади ва бу жараёни XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб рус, ўзбек, озар, тожик, украин каби халқлар адабиёти мисолида тадқиқ қила бошлади³. Ўзбек адабиётшунослигида ёзма адабиёт ва фольклорнинг ўзаро муносабатларини

³Азадовский М.К. Статьи о литературе и фольклоре. – М.,-Л.: Гослитиздат, 1960. – С. 547; Емельянов Л.И. К вопросу о фольклоризме древней русской литературы / Русский фольклор. Том УП. – Л., 1962; Выходцев П.С. На стихе двух художественных культур (Проблема фольклоризма в литературе) / Русский фольклор. Том XIX. – Л., 1979. – С. 3-31; Горелов А.А. К истолкованию понятия “фольклоризм литературы” / Русский фольклор. Том XIX. – Л., 1979. – С. 31-49; Дальгат У.Б. Литература и фольклор. – М.: Наука, 1981. – 303 с.;

монографик тарзда ўрганиш XX асрнинг 60–70-йилларида бирмунча кучайди. Яратилган тадқиқотларда фольклор анъаналари ва мотивларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, ижодкорларнинг фольклордан таъсирланиши ва ундан ижодий фойдаланишдаги маҳорати, фольклорнинг адабий жараёнга, янги оралиқ шаклларнинг яратилишига таъсири, бадиий асарда сюжетнинг фольклорий асослари сингари қатор илмий муаммолар текширилди⁴.

XX асрнинг 80-йилларида ўзбек адабиётшунослиги фольклоризмни назарий жиҳатдан асослашга киришди. Айрим номзодлик диссертациялари фольклоризмларнинг адабий тур ва жанрлар тараққиётидаги ўрнини тадқиқ этишга, унинг типларини аниқлашга бағишланди⁵. Аммо фольклор ва ёзма адабиёт муносабатлари адабиётнинг турли даврларида ўзгача намоён бўлиши, ҳар бир тур ва жанр доирасида ўзига хослик касб этиши, ижодкор маҳоратини намоён этиши, ижодкор услубининг муайян қиррасига, асар бадииятига таъсир қилувчи омилга айланишини ўрганиш зарурати муаммонинг долзарблигини кўрсатади.

Истиклолгача ўзбек адабиётшунослигида фольклор ва ёзма адабиёт муносабатларининг баъзи қирраларигина тадқиқ қилинди. Ҳолбуки, миллий шеърият фольклордан ўзлаштирган муайян жиҳатлар қай тахлит кечгани, фольклор бу хусусиятлар, образлар ва мотивларни асотир оламидан ўзлаштириб, уларни ўз бадиий оламида қайта ишлагани, ёзма шеърият эса фольклорга хосликнинг ушбу жиҳатларини ўзига қай даражада сингдиргани, янги поэтик вазифалар юклаганини тадқиқ қилиш адабиётшунослигимиз учун ўзига хос хулосалар беради.

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърияти тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини адабиётшунос Н.Каримов миллий истиклол мафкурасига боғлиқ тарзда ёритган бўлса⁶, Улуғбек Ҳамдам бир асрлик шеъриятнинг тараққиёт тамойилларини атрофлича ўрганган⁷. Уларнинг XX аср ўзбек шеърияти ҳақидаги жиддий назарий хулосалари адабиётшунослигимизни шеърият ривожини ва ғоявий-бадиий таҳлилига оид янги қарашлар билан бойитди. Ўзбек шеъриятининг 1950–2000 йил оралиғидаги даври билан боғлиқ ўнлаб докторлик ва номзодлик ишлари химоя қилинди. Бу тадқиқотларда ярим

⁴ Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2015. – 432 б.; Жалолов Ғ. Ҳамза поэзияси ва халқ оғзаки ижоди. – Тошкент: Фан, 1975. – 56 б.; Носиров О., Собиров О. Халқ ижоди хазинаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – 138 б.; Собиров О. Ойбек ижодида фольклор. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. – 104 б.; шу муаллиф. Сарчашма адиб ижодида. – Тошкент: Фан, 1975. – 68 б.; Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм: Филол.фан.д-ри.дисс...автор. – Тошкент, 1994; Сафаров О. Фольклор ва болалар адабиёти // Ўзбек тили ва адабиёти, 2003. – № 6. – Б. 20-26.; Амилова М. Ўзбек совет адабиётида фольклор анъаналари. – Тошкент: Фан, 1990. – 124 б.

⁵ Ярмагов И. Типология фольклоризмов в современной узбекской литературе (60-е и начало 80-х годов): Автор.дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1985; Нарзикулова М. “Сабаъи сайёр” достонида фольклоризмлар ва ўзбек фольклоризмидаги Баҳром сюжетининг талкини: Филол.фан.номз...дисс.автор. – Тошкент, 2006; Шарипова Л. XX асрнинг 70–80-йиллари ўзбек шеъриятида фольклоризмлар: Филол.фан.номз... дисс. автор. – Тошкент, 2008.

⁶ Каримов Н. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиклол мафкураси: Филол.фан.д-ри...дисс.автор. – Т., 1993.

⁷ Улуғбек Ҳамдам. Бадиий тафаккур тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 200 б.; шу муаллиф. Янгилаш эҳтиёжи. – Тошкент: Фан, 2007. – 196 б.; шу муаллиф. Янги ўзбек шеърияти. – Тошкент: Адиб, 2012. – 304 б.

асрлик шеърятимизнинг тараққиёт тамойиллари, XX аср адабиётининг жаҳонда ўрганилиши⁸, ғоявий-бадий жиҳати, шоир маҳорати⁹, шеърятнинг образлар олами, поэтик ўзига хослиги¹⁰ каби масалалар илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилди. Адабиётшунослар Н.Раҳимжоновнинг истиқлол даври адабиёти, жумладан, шеърят ҳақидаги монографияси, Н.Жабборовнинг замонавий шеърятнинг тараққиёт тамойиллари ҳақидаги китоби нашр этилди¹¹. Бизнинг диссертациямизда эса XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърятига фольклорнинг ҳамда фольклор орқали мифологиянинг таъсири бадиият нуқтаи назаридан тадқиқ этилиши назарда тутилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот режасининг ўзбек адабиёти кафедрасида олиб борилган Ф-1-06 “Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези” (2012-2016) фундаментал давлат гранти лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърят бадий тараққиётида фольклорнинг ўрни, фольклор орқали мифологиянинг таъсири масаласини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилди:

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърят ва фольклор муносабатларининг анъанавий ҳамда ўзига хос жиҳатларини қиёслаш орқали кўрсатиб бериш;

фольклоризмларнинг XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърят бадий тақомилидаги роли, бадий вазифаларини белгилаб бериш;

фольклоризмнинг ижодкорлар услубига таъсири масаласи, халқ ижодига алоқадор жанр, образ, мотив, ритм кабиларнинг бадий қайта ишланишига, ёзма адабиёт билан фольклор алоқасига хос эстетик қонуниятларни очиб бериш;

фольклорнинг шоир услубига таъсирини ойдинлаштириш орқали услубдаги, халқ оғзаки ижодидан фойдаланиб давр шеърят услубининг юзага келишидаги ўзига хосликни ёритиб бериш;

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърятда юзага келган адабий алла, адабий ёр-ёр, адабий топишмоқ, шеърый латифа бадииятини очиб бериш;

⁸ Абсамиев Х. Проблемы традиции и новаторства в узбекской поэзии 60-70 годов: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1986; Йўлдошева М. Ҳозирги ўзбек модерн шеърятининг асосий хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Қувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек дostonчилигининг тараққиёт хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. дисс... автореф. – Тошкент, 2016; Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши: Филол. фан. д-ри. дисс... автореф. – Тошкент, 2017.

⁹ Жумабоева Ж. XX аср ўзбек шеърятда психологик тасвир маҳорати: Филол. фан. д-ри. дисс... автореф. – Тошкент, 1999; Ашурова Г. Абдулла Орипов шеърятда анъана ва бадий маҳорат: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2008.

¹⁰ Акрамов Б. Проблема поэтического образа в современной узбекской лирике (60-е-80-е годы): Автореф. дисс... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1991; Қосимов Я. Ўзбек шеърятда поэтик фикрнинг янгилашиш жараёни: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1993; Қурбонбоев И. А. 90-йиллар ўзбек шеърятда образлилик: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2005.

¹¹ Раҳимжонов Н. Истиқлол ва бугунги адабиёт. – Тошкент: Ўқитувчи НМИУ, 2012. – 328 б.; Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърят. – Тошкент: Ғ. Фулом номидаги НМИУ, 2015. – 304 б.

мифологияга мансуб сув ва олов атрибутларининг фольклор орқали ёзма шеъриятга кўчиши жараёнида образга айланиши ва бу образларнинг бадииятга таъсири қонуниятларини белгилаб бериш;

оғзаки ва ёзма шеъриятда қўлланган дарахт образини ўзаро қиёслаш, олма, олча, тут каби дарахтларнинг поэтик вазифаларини; бойчечак, бинафша, лола каби гуллар образларининг рамзий маъноларини; оғзаки ва ёзма шеъриятда қўлланган кенжа ботир, от образларининг ўзига хослигини кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти. Диссертацияда, асосан, XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърияти, жумладан, Ғафур Ғулом, Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Усмон Қўчқор, Садриддин Салим Бухорий ва шу каби шоирлар шеърияти ҳамда халқ оғзаки ижоди намуналари асосида нашр этилган тўпламлардан манба сифатида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предмети фольклоризмларнинг бадииятга ҳамда фольклорнинг шоир ва давр услубига таъсири, фольклордан ўзлашган жанр, образ кабиларнинг ёзма шеъриятдаги поэтик вазифасини XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърияти мисолида тадқиқ қилиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда аналитик, қиёсий-типологик, таснифлаш, тавсифлаш, тарихий-қиёсий, контекстуал таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърияти бадиияти такомилга халқ оғзаки ижодининг таъсири ушбу давр шеърияти ва фольклор муносабатларининг анъанавий ҳамда ўзига хос томонларини қиёслаш орқали кўрсатиб берилган;

бир мақол турли асрда яратилган шеъриятда, бир даврнинг бир нечта шоири асарида қўлланиб, ранг-баранг поэтик вазифа бажариши мумкинлиги, аналитик фольклоризм деб белгиланган қарғиш ва олқишнинг ёзма шеъриятда қўлланишини ҳам оддий фольклоризм дейиш мақсадга мувофиқ экани илмий жиҳатдан асосланган;

шеъриятда миллий руҳни ривож топтириш, халқчилликни ошириш услубининг бир қиррасига айланган, фольклордан фойдаланиб асар бадииятини бойитган шоирлар ижоди мисолида уларнинг ўз фольклоризми борлиги исботланган;

ёзма адабиёт билан фольклор алоқасига хос поэтик қонуниятлар фольклоризмнинг ижодкорлар услубига таъсири, халқ ижодига алоқадор жанр, образ, мотив, ритм кабиларнинг бадиий қайта ишланиши, янги жанрларнинг пайдо бўлиши, бу борада ижодкорларнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиш орқали белгилаб берилган;

фольклорнинг давр шеърияти услубига таъсир қила олиши XX асрнинг 50–60-йиллари ўзбек шеъриятида миллийликни, халқчилликни; 70–80-йиллар шеъриятида эркин, Ўзбекистон мустақиллигини чорлаш мотивларини юзага келтиргани қиёси орқали ёритилган;

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеъриятида юзага келган адабий алла, адабий ёр-ёр, адабий топишмоқ, шеърий латифа жанрлари фольклорнинг алла, ёр-ёр, топишмоқ, латифа жанрлари хусусиятларини ўзлаштириш орқали юзага келгани асослаб берилган;

асотирга хос воқелик, сув ва олов атрибутлари образга айланиб оғзаки шеъриятга, фольклордан ёзма шеъриятга кўчиб, янги поэтик вазифалар касб этгани исботланган;

оғзаки ва ёзма шеъриятда қўлланган дарахт: олма, олча, тут кабилар; мифологияда илоҳий гул саналган бойчечак, бинафша, лола каби гуллар; кенжа ботир ва от образларининг замонавий шеъриятдаги поэтик моҳияти белгилаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

дунё адабиётшунослигида фольклор ва ёзма шеърият муносабатларини тадқиқ этиш алоҳида йўналиш сифатида илмий аҳамият касб этиши XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърияти мисолида далиллаб берилган;

ўзбек адабиётшунослиги ўзбек фольклоризмини алоҳида ижодкорлар ва даврлар асосида тадқиқ қилиши, ўзбек фольклоризми нафақат ўз адабиётимизда, балки таржима асарларда мавжудлиги фольклор ва ёзма шеърият муносабатларининг кенгайтирилиши зарурлигини кўрсатиши асослаб берилган;

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърияти Ватан мустабидлар қўлида эканини, истиқлолни қўлга киритиш орзусини фольклор кўмагида ифодалагани аниқланган;

халқ мақолининг оддий фольклоризмга айланиб, шеърий асар композициясида муҳим ўрин тутиши, бир мақол турли шоирлар шеърларида турлича поэтик вазифа бажариши, мураккаб фольклоризмнинг бадииятдаги ўрни кўрсатилган;

шоир ва давр шеърияти услубида фольклор таъсири сезилиб туриши, шоир ва давр фольклоризми борлиги адабиётшунослик учун янги илмий-назарий маълумотлар бериши ҳақидаги хулосалар ярим асрлик шеърият мисолида исботлаб берилган;

сув, олов, ўсимликлар билан боғлиқ образларнинг фольклордан ёзма шеъриятга кўчиши жараёнида уларнинг маъно кўлами кенгайгани очиб берилган;

кенжа ботир, от каби образлар фольклордан замонавий шеъриятга кўчганда ўзбек халқига хосликни, мардлик, жасорат, ватанпарварлик туйғуларига вобасталикни ифода этгани XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърияти негизида далилланган;

мифологияга хос хусусиятларнинг фольклор орқали ёзма шеърият ривожига таъсир кўрсатиши билан боғлиқ илмий хулосалар адабиётшунослик, ўзбек адабиёти, ҳозирги адабий жараён каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

ўзбек фольклори ютуқларидан тўйинган XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърияти ёш авлоднинг маънавий камолотини таъминлашда, миллий

мафкурамизнинг, жамиятнинг ахлоқий-эстетик, маънавий-маърифий такомилда муҳим аҳамият касб этиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг аналитик, таснифлаш, тавсифлаш, тарихий-қиёсий, контекстуал таҳлил каби усуллар билан асослангани, ишончли назарий манбалардан фойдаланилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг асосий таҳлилий хулосалари ва умумлашмалари замонавий ўзбек шеърияти поэтикасини ўрганишда, шеърий асарларнинг бадиий-композицион ва лингвопоэтик хусусиятларини илмий таҳлил қилишда ўзига хос назарий аҳамият касб этади. Фольклоризм турларининг бадиий-эстетик вазибаларини, ҳар бир ижодкор фольклоризмини, ижодкор услубида фольклор таъсирини, маълум даврга хос фольклоризмни аниқлашда, бир давр шоирларининг фольклордан фойдаланиш маҳоратини қиёсий тадқиқ қилишда муҳим роль ўйнайди. Миллий шеъриятга фольклорнинг таъсирини кўрсатишга имкон беради.

Тадқиқотнинг амалий натижалари фольклоршунослик, ўзбек адабиёти ва ўзбек адабиётшунослиги фанлари бўйича таълим тизимининг барча босқичлари талабаларига дарс машғулотлари олиб боришда, махсус курс, амалий машғулот ва семинарлар ўтишда, шунингдек, бу фанлар бўйича ўқув қўлланмалар, дарслик, мажмуалар, атамалар луғати яратишда, оммавий ахборот воситаларида ўзбек фольклорини ва XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеъриятини тарғиб ҳамда ташвиқ қилишда атрофлича фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фольклорнинг ёзма шеъриятга таъсири, фольклоризмнинг шеърият бадииятидаги ўрни XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърияти мисолида тадқиқ этилишидан келиб чиққан ҳолда:

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеъриятида фольклорга хос хусусиятларнинг стилизация қилиниш ҳолатларини асослаш учун шу давр шеъриятидаги шаклий-услубий янгиланишлар, поэтик кашфиётларнинг юзага келиш омилларини ёритишга оид хулосалардан Ф-1-06 “Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарку Фарб адабий анъаналари синтези” фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 сентябрдаги 89-03-3488-сон маълумотномаси). Натижалар фольклорнинг ёзма шеъриятга таъсирини тадқиқ қилиш орқали адабий анъаналар синтезини ўрганиш адабиётшунослик учун муҳим деган хулосага келишга асос бўлган;

фольклор ва ёзма шеъриятнинг ўзаро муносабатларини, фольклоризмнинг ёзма шеърият поэтикасига, баъзи шоирлар ҳамда муайян давр шеърияти услубига таъсирини ўрганиш, фольклорга хос алла, “ёр-ёр”, топишмоқ жанрларининг XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърияти томонидан ўзлаштирилишини асослаш, ўрик, олча, тут дарахтлари; бойчечак, бинафша каби гуллар образларининг мифологияда, оғзаки ҳамда замонавий

шеъриятда қўллангани ҳақидаги илмий-назарий хулосалардан ФІ-ХТ-0-19919 “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни” фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 сентябрдаги 89-03-3488-сон маълумотномаси). Натижада замонавий шеъриятга мифология ва фольклорнинг таъсирини ўрганиш орқали шеъриятдаги поэтик янгиланишларни, образлар оламидаги ўзгаришларни тадқиқ қилиш лозим деган хулосага келинган;

синтезлашган фольклоризмни юзага келтириш жараёнида афсона ва ривоятлардан фойдаланишнинг аҳамиятини, фольклоризмнинг шоирлар ва бир адабий давр услубига таъсир кўрсатишини тадқиқ этиш, мифологияда сув ва олов атрибутлари саналган тушунчаларнинг фольклорга, оғзаки поэтик ижод орқали ёзма шеъриятга кўчиши жараёнида бу образларнинг поэтик вазифаларини аниқлаш ҳақидаги хулоса ва умумлашмалардан Ф1-ФА-0-43429 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2019 йил 27 августдаги 179/1-сон маълумотномаси). Натижада фольклорнинг ёзма шеъриятга таъсирини ўрганиш орқали адабиётдаги ривожланиш, ўзига хосликни ўрганиш мумкин деган хулосага келинган;

халқ мақолларини шеър композицияси узвиги айлантириш, оддий фольклоризмни турли давр шоирлари турли поэтик мақсадда қўллашлари мумкинлигига, мифологияда олов атрибутлари саналган ўт, тутун, тандир, ўчоқ олови кабиларнинг фольклор орқали ёзма шеъриятга кўчиши жараёнида бу образларнинг поэтик вазифаларини аниқлашга, оғзаки ва ёзма шеъриятдаги анор, олма, тут, олча каби дарахтларнинг, бойчечак, лола, лолақизғалдоқ каби гулларнинг образ сифатидаги поэтик маъноларини ўзаро қиёслашга доир изланишлар натижаларидан Туркиянинг Карабук давлат университети адабиёт факультети турк тили ва адабиёти бўлимида “2018-2019-yıl Güz ve Bahar dönemleri lisans eğitim programındaki TED 413 “Cumhuriyet dönemi türk edebiyatı”, TED 313 “Servet-i fünun Edebiyatı II” каби фанлар дастурларини яратишда фойдаланилган (Карабук давлат университетининг 2019 йил 18 сентябрдаги маълумотномаси). Натижада Туркия профессор-ўқитувчи ва талабаларининг замонавий ўзбек шеърияти мазмун-моҳиятидаги ўзига хосликлар ҳақидаги билимлари кенгайтишига эришилган;

“Шеърият ва фольклор (XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърияти мисолида)” монографиясидан, Озарбайжонда ўтказилган халқаро илмий анжуманлардаги “Мотив стилизацияси” (“Turk xalqları ədəbiyyatı: mənşəyi, inkişaf mərhələləri və problemləri” mövzusunda keçiriləcək Beynəlxalq elmi konfransa), “Ўзбек адабий аллалари бадиияти” (Gənc Türkoqların I Türkoqlu Qurultayın 90 illiyinə həsr olunmuş “Müasir türkoqlu tədqiqatlar: problem və perspektivlər” mövzusunda Beynəlxalq Elmi Konfransa) маърузалар тезислари илмий-назарий хулосаларидан Озарбайжоннинг Боку Евроосиё университетида “Дунё адабиёти” фани ишчи дастури ва маъруза матнларини

тайёрлашда фойдаланилган (Боку Евроосиё университетининг 2019 йил 9 октябрдаги маълумотномаси). Натижада талабаларнинг XX аср ўзбек шеърияти, унинг фольклор билан муносабати, шеър таҳлили ҳақидаги билимлари кучайган;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Бухоро” телеканалининг “Долзарб мавзу”, “Қадрият, урф-одат ва анъана”, “Наврўз удумлари”, “Алла” телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар сценарийларида тадқиқотнинг XX асрнинг иккинчи ярми шеърияти фольклордан образ, мотив, оҳанг ўзлаштириш орқали миллийликни, халқчилликни кучайтиргани, фольклорнинг эртақ, ривоят, афсона каби жанрларидан таъсирланиб, халқни истиклолга чорлагани ҳақидаги хулосаларидан фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2019 йил 8 июлдаги 176-сон маълумотномаси). Натижада омманинг XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеъриятидаги ғоявий-бадиий юксалишга эришгани ҳақидаги билимлари бойишига эришилган;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилояти бўлими томонидан ўтказилган турли адабий-маърифий тадбирларда, хусусан, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Н.Аминов, Ўзбекистон халқ шоирлари Жамол Камол, Муҳаммад Юсуф, шунингдек, С.Барноев, Садриддин Салим Бухорий сингари шоирлар таваллуд кунлари билан боғлиқ адабий-маърифий тадбирларда адиблар ижодига фольклорнинг таъсири ҳақида маърузалар қилишда, бўлим ҳузуридаги адабий тўгарак машғулотлари, маҳорат сабоқлари, китоб тақдимотларида диссертацияда илгари сурилган илмий хулосалардан самарали фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилояти бўлимининг 2019 йил 5 июлдаги 31-сон маълумотномаси). Натижада замонавий шеърият бадииятининг фольклоризм таъсирида бойигани ҳақидаги хулосалар орқали ўзбек шеърияти янги босқичга кўтарилгани кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13 та, жумладан, 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш эълон қилинган бўлиб, улардан 1 таси монография, Туркия ва Ўзбекистон ҳамкорлигида Туркияда чоп этилган илмий-усулий мақолалар тўпламида 2 мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола, улардан 1 таси хорижий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Тадқиқотнинг ҳажми 226 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги асосланиб, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган. Диссертация мавзусининг иш бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объекти ва предмети, тадқиқ усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги далилланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши ва ҳажми кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг I боби **“Фольклоризмнинг бадииятга ва услубга таъсири”** деб аталган. Унинг биринчи фасли **“Фольклоризмнинг шеърят бадииятида тутган ўрни”** тарзида номланган бўлиб, фасл ички фаслларга эга. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеъряти Ўзбекистонни, ўзбекни тараннум этган, истиқлолни орзулаган, эркини куйлаган, шу йўлда бор кучини сарфлаган шеърят бўлиб, мустабид тузум тазйиқидан фольклор ёрдамида ҳимояланди. Фикрни ифодалашнинг бундай усули бадиийликни ҳам оширди. Адабиётшунос Улуғбек Ҳамдам таъбири билан айтганда “туссизлашган шеърятдаги турғунлик ҳолати 60-йиллардан бошлаб баргараф этила бошлади, бу жараён истиқлолгача давом этди”¹².

Ёзма адабиётнинг фольклордан фойдаланиши, унинг таъсирида асар яратиши фольклоризмдир. Ўзбек фольклоризмлари фақат бизнинг адабиётга юзага келади, деб ўйлаш масалани торроқ тушунишга олиб келади. Бошқа халқлар адиблари халқимиз тарихи, ҳаёти билан боғлиқ асар яратар экан, ўзбек фольклоридан фойдаланиб, фольклоризмни юзага келтириши ҳам мумкин. Адабиётшунослигимизнинг бу жиҳатга ҳам эътибор бериб улгургани эътирофга лойиқдир¹³. Шунингдек, бошқа халқлар асарлари таржима қилинганда ўзбек фольклоридан фойдаланиш мумкинлиги муаммонинг яна бир ўрганилиши лозим бўлган долзарб томонидир.

“Бадиийлик миқдорий эмас, балки сифатий ҳодисадир. Шу боис ижодкорларга бир хилда мос келувчи бадиийликнинг умумий мезонларини белгилаб бўлмайди. У адабий турлар, адабий жанрлар, ижодий методлар, адабий оқим ва мактаблараро, индивидуал ижодкорлараро, қолаверса, айни бир ижодкорнинг турли даврлардаги асарлари аро тафовутланувчи ҳодисадир”¹⁴. Шу маънода фольклоризмнинг шеърят бадииятига таъсирини ўрганиш халқ оғзаки поэтик ижоди ва ёзма шеърят муносабатларининг аҳамиятини белгиловчи илмий-назарий хулосалар беради.

¹² Улуғбек Ҳамдам. Янги ўзбек шеъряти. – Тошкент: Адиб, 2012. – Б.63.

¹³ Эгамқулов Б. Шарқ мавзуида яратилган рус насрида ўзбек фольклоризмлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1990. – №6. – Б. 46-49.

¹⁴ Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004. – Б. 35.

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърияти ўз бадииятини юксалтириш учун дунё адабиёти ютуқлари, жумладан, фольклордан ҳам унумли фойдаланди. I боб биринчи фаслнинг ички фасли **“Оддий фольклоризм – шеър композицияси узви”** деб номланади. Бу фаслда оддий фольклоризмнинг шеърият бадииятида тутган ўрни ҳақида фикр юритилган.

Алишер Навоий “Ишқ айнидин кўзумни қилмади ёруқ жаҳон” деб бошланувчи ғазалида “Ит ҳурар – карвон ўтар” мақолини қўллайди:

Борибон аҳбобу мен ғафлат асири бўлмағим,
Уйладурким, ит уюб қолдию кўчти корвон¹⁵.

Бобокалонимиз ўғит берган, халқ мақолидаги мазмунни тасдиқлаган бўлса, А.Орипов ўкинч билан халқ хулосасига қўшимча қилган¹⁶.

Профессор А.Расулов структурализм методи ҳақида фикр юритар экан, бу метод “матндаги яхлитлик, изчиллик; тушунча, образлараро алоқадорлик; ҳолат тароватини беаза ифодалаш” билан боғлиқ эканини, “бадий асар сарлавҳасининг ихчам, лўнда, бетакрорлиги матннинг пишиқлигидан, системанинг мустаҳкамлигидан нишона” деб ҳисоблайди¹⁷. Сарлавҳа ўта муҳимки, шоирлар ихчам шаклга эга мақолдан фойдаланишлари, оддий фольклоризм композицион воситага айланиши мумкин. Оддий фольклоризм лирик композицияда муҳим ўрин тутиб, шеърий асарнинг шакл ва мазмунига бирдай таъсир қилади. Баъзан халқ мақоллари сарлавҳа вазифасини ўтаб, шеър жозибасини, таъсир кучини оширса, баъзан сюжет тугунини, айти дамда, оддий фольклоризмни юзага келтиради. Сарлавҳага айланганда шеър композициясида очкич вазифасини ўтаб, матн билан биргаликда яхлит бадий тизимни ташкил этади.

Шоирларнинг халқ мақолини қўллаши ўзига хослик касб этишини таъкидлаш лозим. “Осмон узоқ, ер қаттиқ, Ўлай десанг, жон қаттиқ” мақолини Рауф Парфи, Усмон Азим, Муҳаммад Юсуф сингари шоирлар ноиложлик туйғусини жонли тарзда ифодалаш учун қўллашган, аммо ҳар бир шоир мақолни ўзининг поэтик мақсадига хизмат қилдирган. Шу маънода XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеъриятида мақолни қўллашда айрича хусусиятлар кўзга ташланади: 1. Бир шоир бир мақолни ўзининг турли асарларида қўллаб, турлича поэтик вазифа бажартириши мумкин. 2. Шоирлар бир мақолни турли асрларда, ҳатто бир асрнинг турли даврларида қўллаб, ўз асарларининг ғоявий-бадий пишиқлигини таъминлашга эришишлари мумкин. 3. Бир мақолни бир даврда турли шоирлар маълум поэтик мақсад билан қўллаши мумкин. Мақолнинг ёзма шеърият таркибида учраши ёзма адабиётнинг илк давридан ҳозиргача давом этиб келмоқда. Оддий фольклоризм шеърий асар бадииятини юксалтиришга, ижодкор мақсадининг чуқурроқ очиб берилишига, ғоянинг бўртиб туришига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Шу ўринда яна бир назарий жиҳатни ойдинлаштириш лозим. Б.Саримсоқов ёзма адабиётда “халқ мақоллари, маталлари, юмуқ иборалар,

¹⁵ Алишер Навоий. МАТ. Олтинчи том. Фавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 334.

¹⁶ Орипов А. Йиллар армони. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – Б. 445.

¹⁷ Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2007. – Б. 47-50.

оғзаки нутқ учун хос ифода ҳамда оборотларнинг қўлланишини оддий фольклоризм” деб ҳисоблайди¹⁸. Биз номзодлик диссертациямизда юмук иборалар, оғзаки нутқ учун хос ифода ҳамда оборотлар фольклор жанри бўлмаслиги сабабли фольклоризм дейилмаслигини айтиб ўтган эдик¹⁹. Б.Саримсоқов иборалар “юксак образлиги билан кишини ҳайратга солишини”, “жанр мансубияти фольклоршунослик нуқтаи назаридан жиддий ўрганилиши лозимлигини”, “ҳар бир ибора асосида ётган халқнинг қадимги тасаввурини, дунёқарашини очиб бериш катта ижтимоий-эстетик аҳамиятга моликлигини” таъкидлайди²⁰, биз ҳам ибораларнинг фольклорда ва ёзма шеърятда қўлланиши поэтик мақсадига кўра ўрганилса, адабиётшунослигимиз учун янги хулосалар қилинишига йўл оча олади, деган фикрга келдик. Олимнинг ибораларнинг ёзма адабиётда қўлланиши оддий фольклоризм деб баҳолагани ўзини оқлайди. Таъкидланиши зарур бўлган яна бир жиҳат бор. Мақол ва матал фольклор жанри, бунинг устига уларни бадий асар таркибидан топиш осон ва улар ихчам бўлгани учун оддий фольклоризм саналса, қарғиш билан олқишни ҳам мураккаб фольклоризмнинг аналитик фольклоризм кўринишига мансуб демасдан оддий фольклоризм дейиш маъкул.

1-фаслнинг ички иккинчи фасли **“Мураккаб фольклоризмнинг шеърят бадииятига таъсири”** деб номланади. Бу фаслда синтезлашган ва аналитик фольклоризмнинг бадииятга таъсири масаласи ёритилган. “Ҳақиқий бадий асар – мукамал, мураккаб таркиб (структура)”²¹. Ундаги ҳар бир унсур асарнинг яхлитлигини, бадииятини таъминлайди. Фольклор материали маълум ижодкор тафаккури билан қоришиб, бадий асар таркибидаги унсурга айлангандагина фольклоризм туғилади. Айниқса, синтезлашган фольклоризм асар таркибига қоришиб кетади ва асар сюжети бойитади, мукамаллаштиради, шоир мақсадининг юзага чиқишида муҳим роль ўйнайди. Бирор бир ижодкор фольклорга хос сюжетни ўз асари сюжетига сингдириб юборса ва бу икки сюжет қоришиб, ажралмас ҳолга келса, мураккаб фольклоризмнинг синтезлашган фольклоризм кўриниши юзага келади. Тўра Сулаймоннинг “Эргаш Жуманбулбул юрт кезади”, А.Ориповнинг “Ҳаким ва ажал”, Омон Матжоннинг “Ҳаққуш қичқириғи”, Хуршид Давроннинг “Ватан ҳақида етти ривоят” асарлари синтезлашган фольклоризмнинг ўзига хос кўринишидир. Аксарият ҳолларда синтезлашган фольклоризмни юзага келтиришда халқ ривоят ва афсоналари сюжети муҳим ўрин эгаллайди.

Э.Воҳидов “Шарқ эртаги” шеърисида онанинг эртак айтиб, боласига ширин тушлар тилаши мотивини сарбаст кўмагида ифодалайди. Шеър бадииятидаги ўзига хослик фольклор таъсирида пайдо қилинган: 1. Шеър сюжет ичида сюжет келтириш, яъни қолиплаш усули асосида яратилган. Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр”, Гулҳанийнинг “Зарбулмасал” асарлари қолиплаш усулида яратилгани маълум. Бу усул дастлаб фольклорда юзага

¹⁸ Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1980. – №4. – Б. 40-41.

¹⁹ Шарипова Л. XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеърисида фольклоризм. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 39-40.

²⁰ Ўзбек фольклори очерклари. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 84.

²¹ Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2007. – Б. 44.

келган. “Уч оғайни ботирлар” эртаги мисол. Мавжуд анъанадан Э.Воҳидов ўзига хос тарзда фойдаланиб, синтезлашган фольклоризмни юзага келтирган. 2. Шоир фольклорга хос эртак ва алла жанри хусусиятларини синтезлаштирган холда шеър композициясига ўзига хослик бахш этган.

Усмон Қўчқор “Гулим, яйдоқ бу боғларда” деб бошланадиган шеърда девнинг хум ичига қамалиши мотивини стилизация қилади:

Ажаб, девдек имонлар ҳам
Жо бўларкан кичик хумга.
Бу не эртак, не афсона –
Мушкулот йўқ, осон йўқдир.

Халқ эртакларида дев хум, жин чироқ ичига қамалиши мумкинлиги, уни чиқариб олган соҳиб саналиши таъкидланган. Шеърда фольклордагидан фарқли ўлароқ имон ҳам хум ичига қамаб қўйилиши мумкинлиги айтилган. Шоир бу жамиятда имонсизлик авжида, бир кун кимдир, қайсидир авлод хумдонга қамалган имонни хумдан чиқаради деган фикрни сатрлар қатига яширади. У Ватандаги ҳар қандай йўқчилик барҳам топадиган кунлардан умидвор. Усмон Қўчқор лирик қаҳрамон шоир эканини таъкидлаш учун бармоқ вазнидаги шеърда тахаллус қўллайди:

Неча ғафлат, неча нафрат
Кўрди гарчи бу фаслдан.
Қайтган эрмас, қайтар эрмас,
Усмон кўнглин узгон йўқдир²².

Келтирилган банднинг учинчи сатрида шаклдош сўз қўлланиб, тажнис санъати ҳосил қилинган. Шоирнинг маҳоратига эътибор қилинг: биринчи “эрмас” сўзи “эмас” тўлиқсиз феълнинг эскирган шакли бўлиб, “қайтган эрмас – қайтган эмас” маъносида, иккинчи бор “қайтар эрмас” – қайтадиган киши эр эмас” маъносида гап таркибида берилган. Шеърнинг сўнгги банди шоир муносабатини, мақсадини таъкид эта олган.

I бобнинг 2-фасли “**Шоир ва давр шеърляти услубида фольклоризм**” деб номланади. Услуб ҳақида Абдурауф Фитрат шундай ёзади: “Услубнинг адабиётдаги ўрни жуда катта, жуда муҳимдир. Бир асардаги фикрлар, маълумотларнинг эски, бошқа шоирлар томонидан айтилган бўлиши мумкундир. Уларнинг эскилигини бизга сездирмасдан, билдирмасдан ифода қилиб, уни бизга ўқута олган куч услубдадир”²³. XX аср иккинчи ярми ўзбек шеърлятининг фольклорга муносабатини ўрганиб, услубида фольклор таъсири бўртиб турган шоирларни фольклорнинг қайси жиҳатидан фойдаланишига, фольклоризмни қай тахлит қўллашига кўра шундай гуруҳлаш мумкин: 1. Ижодида доимий тарзда фольклорга хос оҳанг, образ, бадий тасвир воситаларидан фойдаланадиган шоирлар. Ғафур Ғулум, Миртемир, А.Орипов, О.Ҳожиева, Садриддин Салим Бухорий, Йўлдош Эшбек, Муҳаммад Юсуф, Рустам Мусурмон каби шоирлар ижоди фикримизни далиллайди. 2. Фольклорга хос оҳанг, образ, ифода воситаларидан

²² Қўчқоров У. Ҳаяжонга кўмилган дунё. Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982. – Б. 55.

²³ Абдурауф Фитрат. Адабиёт қоидалари / Шарқ мумтоз поэтикаси (Ҳ.Болтабоев талқинида). – Тошкент: Ўз МЭ Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 351.

фойдаланиши билан бир қаторда оғзаки адабиётга мансуб жанр, сюжет, мотив кабиларга қайта-қайта мурожаат қилган, ҳатто янги шакллар яратган шоирлар. Тўра Сулаймон, Омон Матжон, Ҳ.Худойбердиева, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Азим Суюн каби шоирлар ижоди орқали фикримизга мисоллар келтиришимиз мумкин. 3. Фольклор ва мумтоз шеърятга хос маълум хусусиятларни мутаносиб тарзда ифода этиш орқали услубида айрича жиҳат бўртиб турган шоирлар. Эшқобил Шукур, Абдували Кутбиддин, Ҳ.Аҳмедова, З.Мирзаева кабилар ижоди бунга мисолдир. 4. Фольклорга хос сатира ва юмор ижодида бўртиб турганидан ҳажв услубининг бир қиррасига айланган, халқона кулгуни, кинояни ўз шеърятига сингдириб юборган шоирлар. Э.Воҳидов, Анвар Обиджон, Иқбол Мирзо каби шоирлар ижоди далилдир. Ҳар бир гуруҳга мансуб шоирлар фольклорнинг қайси жиҳатидан қай йўсинда фойдаланганига кўра услубларида ўзига хослик касб этишган. Услубида фольклор таъсири бўртиб турган иккинчи гуруҳ вакилларида бири Усмон Азим оддий фольклоризмдан ҳам, мураккаб фольклоризмдан ҳам бирдай фойдалана олгани билан бошқа ижодкорлардан фарқланади. У халқ оғзаки ижоди таъсирида бахшиёнalar яратган шоирдир.

XX асрнинг 80-йилларида мустабид тузумда ғафлат уйқусида қолганларни уйғотиш, эркин чорлаш, халқ дardларини ифодалаш адабиётнинг, аввало, шеърятнинг зиммасига тушди. Шоирлар айтилаётган фикр қудратини, ифоданинг туйғуларга таъсир кучини ошириш учун мумтоз адабиёт ютуқларидан, биринчи галда, фольклордан фойдалана бошладилар. Бахшиёна ана шундай изланишлар натижаси сифатида юзага келди. Бу ҳақда ўз вақтида мунаққид И.Ғафуров, фольклоршунос Ғ.Мўминовлар ёзишди²⁴. 80-йилларда Усмон Азим бахшиёнalar мухлисларга манзур бўлган паллаларда Хуршид Даврон, Азим Суюн, Ҳ.Худойбердиева, О.Ҳожиёва, Фахриёр сингари шоирлар бахшиёна шеърлар, Тўра Сулаймон эса “Эргаш Жуманбулбул юрт кезади” шеърӣ туркумини ёзди. Бахшиёна жанр сифатида маълум бир белгиларга эга бўлиб боргани сабабли лиро-эпик турга мансуб жанр юзага келаётгани кўриниб турган эди. Аммо истиқлол йилларида бу шаклнинг жанр сифатида шаклланиб келиш жараёни тўхтади. Бу ҳол адабиёт тараққиёти давомида турли шакллар пайдо бўлишини ва бу шаклларнинг барчаси ҳам жанр мақомини олавермаслигини, даврлар қатида қолиб кетишини кўрсатади. Бахшиёна ўзбек халқини истиқлолга чорлаган давр адабиётида фольклор ва ёзма шеърят муносабатларидан ҳосил бўлган янги шакл сифатида ўзига юкланган тарихий вазифани бажарди. У бутунлай йўқолиб кетади дейиш ноўрин, аммо бахшиёна яратиш тўхтагани сабабли жанрий белгилари тўла-тўқис шаклланиб улгурмагани маълум.

Ҳар бир давр шеърятӣ фольклордан ўзига хос тарзда фойдаланар экан, давр фольклоризми ҳосил бўлади. “Ҳар замоннинг ўз услуби бўладир – шоирларнинг хусусий ва мумтоз услубларидан бошқа ҳар даврнинг ўзига махсус ва ўзида муҳарирларнинг кўбчилиги ёқтиратурган умумий, яъни ўрток

²⁴ Ғафуров И. Тозариш // Шарқ юлдузи, 1988. – №5. – Б. 192; Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм: Филол.фан.д-ри... дисс.автореф. – Тошкент, 1994. – Б. 45.

бир услублари бўладир”²⁵. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърлятида уч авлод етакчилик қилди: 1) Гафур Гулом мансуб авлод; 2) Э.Воҳидов мансуб авлод; 3) Усмон Азим мансуб авлод. Уларда ўзига хос услуб бор, бу уч давр шеърлятининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжудлиги диссертацияда кўрсатиб берилди. 50–60-йиллар ўзбек шеърлятида етакчи авлод саналган Гафур Гулом, Миртемир, Зулфия сингари шоирлар халқ мақолларидан, олқишидан фойдаланиб, оддий фольклоризмни, халқ кўшиқларидан фойдаланиб, аналитик фольклоризмни, удумларни ифода этиб мотив стилизациясини юзага келтирдилар. 50–60-йиллар ўзбек шеърляти бир давр бўлиб, бу давр услубида фольклордан фойдаланиш, таъсирланиш 70-80-йиллар шеърлятидагидан кучсиз, аммо кейинги даврга пойдевор бўла олди.

Диссертациянинг II боби **“XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърлятида фольклордан ўзлашган айрим жанрлардаги ўзига хосликлар”** деб номланган бўлиб, уч фаслдан иборат. **“Адабий алла ва адабий ёр-ёр”** фаслида ёзма аллалар бадиияти, халқ аллалари билан ўхшаш ва фарқли томонлари ўрганилган. Дастлабки ёзма аллаларни болалар шоирлари яратишди. Илём Муслим, Зафар Диёр аллаларида фольклор аллаларига хос мотив, образлар бор, аммо “алла” радифининг қўлланишида фольклордан фарқлилик кўзга ёрқин ташланади. Вақт ўтиб болалар шоири саналмаган ижодкорлар ҳам аллалар яратдилар. Бу жанр стилизация қилинган, фольклор алласидан фарқлаш учун “адабий алла” атамасини қўллаш эҳтиёжи пайдо бўлди. Ёзма адабиётга эртак жанри ўзлаштирилганда “адабий эртак” атамаси қўлланган ва бу атама ўзини оқлагани сабаб ўзлашиб, кенг истефода қилинган эди. Ёзма аллани ҳам фольклорга хос алладан фарқлаш учун шартли тарзда “адабий алла” истилоҳини қўллаш мақсадга мувофиқ. Адабий алла жанри кенг тарқалди дейиш қийин. Аммо ёзма жанр сифатида шаклланди. Шоирлар яратган аллаларнинг аксарият қисмида “алла” радифи банднинг охири сатрида учрайди. Аслида эса алла куйланаётганда радифининг ҳар мисра ёки ҳар икки мисрадан кейин келиши куйлаш жараёни учун муҳим ўрин тутган. Ёзма аллада мусиқага омухталиқ йўқлиги боис ушбу ҳолат, кўпинча, унутилади. Фольклордаги алла шакли ёзма дostonга кўчиб, Муҳаммад Юсуф “Ҳалима энам аллалари” номли дoston яратди²⁶. Алла дoston ҳикоя ичида ҳикоя – қолиплаш усулида яратилган. Асар шаклан дoston, табиатига кўра алла бўлгани сабабли алла дoston дейилиши лозим.

XX асрнинг 70-80-йилларида яратилган адабий аллалар 50–60-йиллардагидан кўра мукамаллик касб этди. Бу мукамаллик шеър бадииятида ва жанрий хусусиятларида кўринди. Мазмунида лирик қахрамоннинг ўз дарди ифодасидан кўра ижтимоийлик устунлик қилди. 50–60-йилларда миллий қадрият саналган алланинг йўқолмаслигини иташ, оналарни алла айтишга ундаш адабий аллани юзага келтирган бўлса, 80-

²⁵ Абдурахмон Саъдий. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари / Шарқ мумтоз поэтикаси (Х.Болтабоев талқинида). – Тошкент: Ўз МЭ Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 349.

²⁶ Муҳаммад Юсуф. Ҳалима энам аллалари. Шеърлар ва дostonлар. – Тошкент: Чўлпон, 1991. [“www.ziyouz.com/kutubxonasi”](http://www.ziyouz.com/kutubxonasi) сайтидан олинди.

йилларда халқни ғафлатдан уйғотиш, ёш авлодни эркпарвар, ватанпарвар қилиб тарбиялаш истаги туфайли алла жанридан фойдаланишди.

XX асрнинг иккинчи ярмида адабий ёр-ёрлар яратилди. “Чинга”²⁷ – “ёр-ёр” халқ тилидан тушмай куйлаб келингани сабаб шоирларга таъсир қилмай қолмади. Улар бу жанрга мурожаат қилдилар ва адабий ёр-ёрлар пайдо бўлди. Бу жанрнинг ўзлашуви мумтоз адабиётимизга тақалади. Қул Убайдийнинг мунсариҳи матвийи мавқуф баҳрида ёзилган, “Маснавийлар” сарлавҳаси остида берилган икки шеъри чинга – тўй қўшиғи эканини “ёр-ёр” радифи, мазмуни, вазни кўрсатиб турибди. Бу шеърлар илк адабий ёр-ёрлар бўлиб, ўша даврда кенг тарқалмади. Мумтоз шеъриятда “ёр-ёр” намунаси бошқа учрагани йўқ. Халқ ёр-ёрлари асосан бармоқ вазнида яратилган бўлиб, аруз вазнида яратилган намуналари нисбатан кам учрайди. Тўй қўшиғи саналган ёр-ёр XX асрнинг иккинчи ярмида ёзма шеъриятимизда кенг тарқалди. Бу шеърлар бармоқ вазнида ёзилгани билан ҳам, мотиви, образлар олами билан ҳам халқ ёр-ёрларига жуда яқин. Академик Н.Каримов шундай ёзади: “Ёр-ёр” радифи билан тугалланувчи тўй-маросим қўшиқлари фақатгина халқ оғзаки ижодида эмас, балки ёзма адабиётда ҳам кенг тарқалган. Аммо улар ёзма адабиёт вакилларида ҳам халқ шеърининг бевосита таъсири ўлароқ кўринади”²⁸. Аксарият адабий ёр-ёрлар ўтган асрнинг 70–80-йилларида яратилди. Уларда бахт мадҳи, лирик қаҳрамоннинг орзу-армонлари, кўп ҳолларда муҳаббатидан айрилган лирик қаҳрамоннинг изтироблари ифода этилган. Айрим адабий ёр-ёрларда қарғаниш, иложсиз ҳолда ёрига бахт тилаш кайфияти устувор. Айрим адабий ёр-ёрлар халқ ёр-ёрларига тақлид доирасида қолиб кетди. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеъриятида ривож топган адабий ёр-ёр давр руҳиятига уйғун эди ва аввало, жабрдийда аёл туйғуларини, севгисига етмаган ошиқ дардларини ўзида мужассам қилди.

II бобнинг иккинчи фасли “Адабий топишмоқ” деб номланади. “Топишмоқ” – ўзбекча сўз, “топ” феълига “-иш” ҳаракат номи, “-моқ” сўз ясовчисини қўшиш орқали ҳосил қилинган. “Топишмоқлар” мақоласида академик Т.Мирзаев “ўзбек халқ топишмоқларининг асосий қисмини метафорик топишмоқлар ташкил этишини, бу жанрда метафоралар бўлиши илк бор Арасту “Поэтика”сида айтилганини” ёзади²⁹. Фольклорнинг махсус турига дахлдор жанр сифатида топишмоқ асрлар давомида яшаб келади. Шарқ ёзма адабиётида халқ топишмоқлари таъсирида чистон жанри пайдо бўлди. Ўзбек адабиётида бу жанрнинг юзага келиши Алишер Навоий номи билан боғлиқ. XX асрга келиб эса шеъриятимизда адабий топишмоқлар яратилди. Халқ топишмоқлари, чистон, адабий топишмоқнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжудлиги сабаб уч хил атама қўлланиши табиий. Сиртдан қараганда бир хилдай кўринган бу жанрлар ўхшашликка эга бўлиши билан бирга тафовутли ҳамдир. Уларда яширилган нарса, шахс, ўрин-жой

²⁷ Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. ТАТ. 10-жилд. – Тошкент: Ф.Фуллом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 582.

²⁸ Каримов Н. Шеърый шакллар ва услубий йўналишлар / Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 109.

²⁹ Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б. 104.

кабилардан баъзилари вақт ўтиши билан шу тушунчаларнинг эскириши ёки ундаги ўзгаришлар сабаб маълум давр ўқувчисига тушунарсиз бўлиб қолиши мумкин.

Алишер Навоийда “Анор” луғзи, Увайсийда “Анор” чистони, Анвар Обиджонда “Анор” адабий топишмоғи бор.

Алишер Навоий чистони 5 байт – 10 мисрали шеър, арузнинг ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган, анор ахгар тўла мижмарга, даврон қонга “эвурган” дур тўла садафга ўхшатишган. Бармоқлар кучи унинг жисмини бўшатиб, танини мажруҳ қилиб, қонини оқизади, аммо бу қондан инсон меъдаси фойда топгани шоирга таскин беради.

Увайсий чистони 4 мисрали шеър, арузнинг рамали мусаммани маҳзүф вазнида ёзилган, анор эшиги, туйнуғи йўқ гумбаз ичидаги юзларига парда тортган юрак-бағри қон қизларга қиёсланган.

Анвар Обиджоннинг адабий топишмоғи 8 мисрали шеър, бармоқнинг 7 ҳижоли вазнида ёзилган, анор қалъадаги аскарларга ўхшатишган.

Адабий топишмоқларнинг бадиий, айти дамда, топишмоқлик хусусиятлари ҳамиша ҳам халқ топишмоқлари даражасига етавермайди. Аммо ўзбек халқ топишмоқлари билан беллашадиган ўзбек адабий топишмоқлари анчагина. Ғафур Ғулум, Пўлат Мўмин, Э.Воҳидов, Анвар Обиджон сингари шоирларнинг адабий топишмоқлари белги-хусусиятни яшириш маҳорати, бадиияти жиҳатидан ҳам эътирофга лойиқ.

“Шеърый латифа” фаслида ёзма латифанинг шеърый тарзда яратилгани, унда зукколик ва кулгу вобасталиги, давр шеърыйида бу жанрнинг ўрни масаласи тадқиқ этилди. XX асрнинг 70-йилларида шеърый латифалар яратган Э.Воҳидов халқона ҳажвни ёзма шеърыйга кўчириб, бу борада ўзига хос йўл тутди. 1976–1991 йиллар давомида яратган 17 шеърый латифасини “Донишқишлоқ латифалари” номи остида бирлаштирди³⁰. Бу шеърлардаги сатира ва юмор ўзбекка хос аския, халқона қочиримлардан ўсиб чиққан. Халқ латифаларидан фарқли ўлароқ бош қаҳрамон – Матмуса. Э.Воҳидов халқ орасида мавжуд кулгили, латифанамо воқеликларни териб юрар экан, уларни акс эттиришда маҳорат кўрсатди, закийлик билан воқеа ортидан муҳим тарбиявий хулоса келтириб чиқарди. “Матмусанинг қалпоғи”, “Матмусанинг лагани”, “Матмусанинг тандири”, “Қизиқувчан Матмуса”, “Матмусанинг меҳмондўстлиги”, “Матмуса ва ўғрилар”, “Матмусанинг эшак сотгани” шеърлари юмористик латифалар бўлиб, уларда енгил кулгу бор. Юмористик латифалар дейилиши ҳам шартлилик касб этади. Бундай шеърый латифалар таркибида сатира ҳам сезилиб қолади. Халқ ўзининг битта латифасида жамиятдаги ёки инсондаги бир-икки камчиликни ҳажв қилса, шеърый латифада ўнлаб кулгили ҳолатлар, ҳажвга лойиқ жиҳатлар тасвир этилади. Шеърый латифалардан “Матмусанинг чархпалаги”, “Матмусанинг уйланиши”, “Матмусанинг ҳайкали”, “Тандир кийган Матмуса”, “Матмусанинг боғи” кабилар сатирик латифа сифатида жиддий кулгуга

³⁰ Воҳидов Э. Асарлар. Куз саховати. Тўла асарлар тўплами, 3-жилд. – Тошкент: Шарқ НМИУ, 2016. – Б. 168-210.

йўғрилган. Ўзбекка хос ҳажв шоирнинг нафақат шеърӣ латифаларида, балки шеърӣятида кенг қўлланганки, халқона ҳажв шоир услубидаги бир қирра сифатида кўринган. Тадқиқотда шеърӣ адабий латифалар сатирик ва юмористик руҳда яратилган бўлиб, инсоний нуқсонларнинг танқидий ифодаси оҳанг вобасталигида берилгани батафсил ёритилган.

III боб **“Мифологияга хос сув ва олов атрибутларининг фольклор орқали ёзма шеърӣятга кўчиши”** деб аталган. Унинг биринчи фасли **“Оғзаки ҳамда ёзма шеърӣятда сув ва унинг эврилишларига дахлдор бадий-маъновӣ ифода ранг-баранглиги”** тарзида номланган. Фольклорга хос образларнинг стилизация қилиниши жараёнида мифологияга хос атрибутларнинг образлашуви ҳодисасини ўрганиш ҳам шеърӣят поэтикасида фольклор тутган ўринни тадқиқ қилиш имконини кенгайтиради. Дунёнинг аксарият халқларида дастлаб мифология пайдо бўлиб, сўнг мифологияга хос мотив, образлар олами, воқелик кабилар халқ оғзаки ижодининг пайдо бўлишига замин бўлди. Айни дамда, фольклор ёзма адабиёт юзага келишида муҳим роль ўйнади. Е.М.Мелетинский фикрича, “Адабиёт фольклор орқали мифологияга бориб тақалади”³¹. Асотирлардан ўринли фойдалана олаётган Назар Эшонқул “Мифлар халқ руҳиятининг рамзлари. Агар биз шу рамзларни шарҳлай олсак, халқнинг “мен”и томон улкан сўқмоқ очган бўламыз”, – дея ўринли таъкидлайди³². Асотирлар фольклорнинг кўплаб жанрлари юзага келишига замин бўлган, халқ оғзаки поэтик ижодини образлари, сюжети, мотиви билан бойитган бўлса, худди шу жараён ёзма адабиётда фольклор таъсири сифатида давом этди. Фольклорнинг ёзма адабиётга, жумладан, шеърӣятга таъсир этиши эса ҳали-ҳануз давом этиб келаётгани бу жараённинг тадқиқи фольклоршунослик учун ҳам, адабиётшунослик учун ҳам зарур эканини кўрсатади. “XX аср адабиёти инсон дунёси ва руҳиятини таҳлил қилар экан, яъни у ўзига бўлган адабиётлардан ҳам кўра инсон руҳияти ва қалбига кўпроқ яқинлашар, уни тадқиқ этар экан, ана шу руҳият ва қалбда илк инсонлар дунёси каби мифологик тимсолларга дуч келди”, – деб ёзади Жаббор Эшонқул³³. Мифологияда мавжуд сув ва олов атрибутларининг фольклорга, халқ оғзаки поэтик ижоди орқали ёзма поэзияга ўзлашиши ҳодисасини ўрганиш ҳам шеърӣят поэтикасида фольклор тутган ўринни тадқиқ қилиш имконини кенгайтиради.

Сув, томчи, шудринг-шабнам, ёмғир, дўл, қор, буғ, фаввора, кудук, булок, сой, ариқ, захкаш, кўл, дарё, денгиз, уммон кабилар сув атрибутлари ҳисобланади. Кўринадики, сув эврилишларга, жойига кўра ҳар хиллик касб этади. Худди шу тафовутлар уларнинг образга айланишида асос вазифасини ўтайди. “Архаик тасаввурларга кўра сув доимо дунёлар ўртасида чегара бўлиб келган... Сув(дарё, денгиз, ариқ)дан ўтиш халқ ижодида никоҳ рамзи эканлигини А.А Потенбня айтган эди”³⁴. Халқ кўшиқларида дарё – айрилиқ, бевафолик юз беришини англатувчи поэтик образ, икки қирғоқ ҳақида фикр

³¹ Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Наука, 1976. – С. 277.

³² Назар Эшонқул. Мендан менгача. – Тошкент: Академнашр, 2014. – Б. 112.

³³ Жаббор Эшонқул. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999. – Б. 6.

³⁴ Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 194.

юритилмаса, висол, муҳаббат, никоҳ маъноларини ташиши ҳам мумкин. Замонавий шеърият мисолида шуни айтиш мумкинки, дарё: а) табиатнинг гўзал ва қудратли бир узви тарзида тараннум этилган. Миртемирнинг “Аму қирғоқлари” шеърини эслаш кифоя; б) сифатлашни юзага келтирган. Ташбеҳда ўхшатиш нарса сифатида қўлланилган. “Дарё одам”, “меҳри дарё”, “илҳоми дарё”, “қалби дарё” кабилар; в) образ даражасига кўтарилган. Сироҷиддин Саййиднинг “Тўполондарё билан хайрлашув” достонида дарё юқорида айтилган уч ҳолатда ҳам қўлланганини кўриш мумкин.

Замонавий шеърият дарё образини халқ қўшиқларидан айрилиқ, номурод севги, бахтиёрлик маъноларида ўзлаштирган бўлса-да, нафақат ёрдан айрилганликни, балки болалиқдан, онадан, туғилган тупроқдан узокда, айрилиқда қолганликни ҳам ифодалади. Асосийси, замонавий шеърият дарё образи орқали халқ қудратини намоён этди. Ёзма шеъриятда халқ денгизга, дарёга ўхшатиш, халқ мақолларида, аксинча, сув ва халқ параллел тарзда қиёс қилинади. Халқнинг ўзи ўзига шоирлардан ҳам олдин мақоли ёрдамида баҳо бериб қўйган: “Халқ кўзгалса – дарё”, “Сувнинг оқишига қара, халқнинг хошишига қара”.

Усмон Азим “Ўрдадаги кўприк устида” деб бошланувчи шеърида сув эврилишларидан ўта маҳорат билан фойдаланиб, ўз умрига боғлиқ армонларини гўзал тарзда ифодалай олган. Шоир – лирик қаҳрамон “Ўрда кўприги устида кузак билан рўпара келаркан”, “тош соҳиллар аро сирғаниб оқаётган анҳорга қараб онасини” эслайди. Усмон Азим ҳаёт манзараларини чизиш учун таносиб санъати ёрдамида сув атрибутларини куйидаги тартибда тизиб чиқади: кўприк – анҳор – булут – жала – кўз ёши – сув ёқаси. Бу эврилишлар гўё шоирни онаси билан дийдорлаштиради.

Ёмғир орқали лирик қаҳрамон кайфиятини ифодалаш Рауф Парфида алоҳидалиқ касб этади. Шоирнинг “Ёмғир ҳам тинмади узун кун”, “Ёмғир эмас, марварид ёғар”, “Ёмғир ёғиб чикди тун бўйи”, “Дафъатан ёмғир ёғар, тинар дафъатан” каби шеърларида ёмғир образ даражасига кўтарилган бўлса, аксарият шеърларида ёмғир метафорани, “ёмғир – кўз ёш”, “ёмғир – қор” эврилишларини юзага келтиради:

Ёмғир ёғиб чикди тун бўйи,
Тонг оқарди, тинмади ёмғир.
Бузилгандек осмон уйи –
Ерга қараб йиғлайди оғир³⁵.

Асосийси, шоир ёмғирнинг ёғишини томоша қилиб туриб шеър ёзган каби таассурот қолдирадиган шеърларида ёмғирни дарддош деб билади. Абдували Қутбиддиннинг “Ёмғир” шеърида ҳам эврилишнинг бетакрор поэтик ифодаси бор³⁶.

III бобнинг иккинчи фасли “**Оғзаки ҳамда ёзма шеъриятда олов образи**” деб номланади. Мифологияда алоҳида ўрин тутган оловнинг образга айланиши ҳақида фикр юритилган. Инсоният ҳаётининг илк давридаёқ кучли

³⁵ Рауф Парфи. Сўнги видо. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006. – Б. 54.

³⁶ Абдували Қутбиддин. Сен ва сен учун. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1999. – Б. 55.

бўлиш учун оловга ва сувга эга бўлиш лозимлигини тушунган. Тадқиқотчи С.В. Чагдуров талқинича, “хатун” сўзи қадим туркийча сўз, “хат” – “олов” ва “-ун” қўшимчасидан ясалган бўлиб, асл маъноси “олов бекаси”³⁷. Оловни асраш, уни ишлатиш, аввало, аёллар зиммасига тушганини мушоҳада қилсак, талқин кишини ишонтиради. Тадқиқотчи Д. Мингбоева “Олов – даҳшатли ва хавфли унсур; бироқ жиловланган ва инсонга хизмат қиладиган ўчоқ олови – оилавий фаровонлик ва тинчлик рамзи. У поклайди ва ҳимоя қилади. Ёмонликни даф этади”, – дейди³⁸. Худди шу жиҳатлар дастлаб халқ мифологиясида, ундан ўзлашиб фольклорда ифода этилган, сўнг ёзма адабиётга кўчган. Ҳар икки адабиётда ҳам ўзига хослик касб эта олган. Шу маънода олов ҳақидаги илмий фикрларни ўрганиб чиқиб, оғзаки ва ёзма шеъриятда қуйидаги ҳолатларга дуч келдик: 1. Халқ кўшиқларида ҳам, ёзма шеъриятда ҳам оловнинг барча атрибутлари фаол қўлланади. Икки адабиётда ҳам олов образи севги, оила, фарзанд маъносини, баъзан бузғунчиликни англатади. Аммо севгининг кимга, нимага қаратилганига кўра оғзаки ва ёзма шеъриятда тафовутлар бор. Айниқса, оғзаки ва мумтоз шеъриятдаги фарқ сезиларлидир. Оғзаки шеъриятда “олов” ва унинг маънодоши “ўт” ишлатилиб, бирикма ҳолида, “ишқ ўти” тарзида келиши мумкин. Ишқ ўти инсон кўнглига тушаркан, бу олов кўпроқ инсоннинг инсонга ишқини ифодалайди. Айни дамда, олов ўз маъносида қўлланиб, тамсил санъатининг юзага келишига хизмат қилиши ҳам мумкин. Мумтоз адабиётда эса олов инсоний ишқ билан бирга илоҳий ишқни ҳам англатади. Тилимизда “ишқ ўти, кўнгилга ўт солмоқ, ўтда ёнмоқ, оловда қоврулмоқ, ўтда жизғанак бўлмоқ” каби тайёр ифодалар бор, аммо улар қўлланишига кўра фарқлилик ҳосил қилади. 2. Оғзаки ва ёзма шеъриятда ҳам ўт-олов ишқ маъносида қўлланар экан, муболағани юзага келтиради.

Ўзбек халқи бедарак кетган инсонни олов кўмагида чақириш мумкин, деб ишонади. Бу ҳам, эҳтимол, оловга сиғинишнинг кўринишларидан биридир. Бухорода тандир ёки ўчоқдаги оловга қараб бедарак кетган инсоннинг исми айтиб чақирилса, ўша инсон топилиб келади, дейилади. Бухоро халқи орасида бу мотивга ишониш, унга амал қилиш ҳалигача учрайди. Усмон Қўчқор “Интизорлик” шеърида “Томга чиқиб отини айтиб чақирсанг, бедарак кетган инсон ойда от минган ҳолда кўринади”, – деган мотивни стилизация қилади. Шоир фольклорга хос мотив орқали уруш фожиаларини теранроқ поэтик ифода билан бера олган.

“Абдуқодир! Ўғилгинам ҳо-о-й!”

Бир илтижо учади ойга.

Кўзларида жимир-жимир ой,

Ойда отлар қўяди пойга...³⁹

Ойда от эмас, отлар пойга қўяди деганда шоир ўзбекнинг бир эмас, минглаб Абдуқодирлари бедарак кетганини айтмоқчи, бизнингча. Олов

³⁷ Чагдуров С. Происхождение Гэсэриады . – Новосибирск: Наука, 1980. – С. 162.

³⁸ Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б. 38.

³⁹ Қўчқоров У. Ҳаяжонга кўмилган дунё. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982. – Б. 28.

атрибутилари саналган “олов, тандир олови, ўчоқ олови, тандир, ўчоқ” каби тушунчалар образлантирилди. Айтайлик, ўчоқнинг бузилиши оиланинг бузилиши маъносида қўлланиб, метафорик маъно касб этди. Тандир, ўчоқ оловига қараб бедарак кетганлар даракланиши мотиви ўзлаштирилиб, иккинчи жаҳон уруши фожиалари чуқурроқ очиб берилди. Шоирлар оловни образ даражасига кўтариб, у орқали жамият иллатларини фош қилдилар, эзгуликни улуғладилар. Бу образ ўзбек шеъриятидаги образлар оламини кенгайтди, давр шеърияти поэтикасини бойитди.

Ишнинг IV боби **“Оғзаки ва ёзма шеърятда учрайдиган айрим образларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари”** деб номланган. **“Оғзаки ва ёзма шеърятда ўсимликлар образи, уларнинг ўзаро қиёси”** биринчи фасл бўлиб, икки ички фаслдан иборат. **“Дарахт образининг поэтик маъно кўлами”** – биринчи ички фасл. Ўсимликлар рамзий маъноларни ташир экан, дастлаб халқ оғзаки ижодида, сўнг мумтоз ва замонавий адабиётда қўлланган, қўлланиб келинмоқда. Аммо икки адабиётда бирдай қўлланган, образ даражасига кўтарилган ўсимликлар ташиган маъноларда ўхшашликлар ва фарқлар мавжуд.

Биргина дарахт образи ўнлаб маъноларда қўлланади. Бу образ фаслларга боғлиқ тарзда рангин кўринишларга эга. Аниқроғи, табиатдаги эврилишларни кўрсатади. “Халқ лирикасида Ўзбекистон территориясида мавжуд мевали дарахтларнинг деярли барчаси тилга олинади, аммо олма, тут, жийда, ўрик, анор, бодом, олча каби сермева ва серуруғ дарахтлар жуда фаол қўлланиладики, генезисига кўра бу хусусият ҳам ҳосилдорлик ва серфарзандлик ғояси билан боғлиқ”⁴⁰. Дарахт образига кўп мурожаат қилган Шариф Нурхон ундаги муқаддасликни англаган:

Агар ўлсам таним хоки нисор бўлсин ниҳолларга,
Юрак-бағримдаги оташ беҳи, олма, анор бўлсин.
Ҳовучимда данак олиб ўлай, кўминг, ниҳол унсин,
Шарифийнинг мозори ҳам беҳишти мевазор бўлсин⁴¹.

Шариф Нурхоннинг бу сатрлари Умар Хайём сатрлари билан беллаша олади. Фольклорда ифода этиладиган эврилиш ўзбеккона, бетакрор тарзда берилган.

Тут – ўзбек халқининг бетакрор образи. Шавкат Раҳмон тут образи кўмагида ўзбек элининг бошидан ўтган қирғин-баротларни, даҳшатли зулмдан кейин ҳам ўзини тутиб олган, тараққий қила олган улуғ элни тасвирлайди. Шоир “туркий шевали паҳлавонлардай турган тутларни” “Тилини, дилини билган ўзларим” деб атайди ва бир зум “осмонни кўтариб турган”, “элни посбон бўлиб асраётган”, “замин билан сирлашаётган” тут бўлгиси келади. Шоирона тасаввур кўмагида тутга айланган лирик қаҳрамоннинг “қомати қисирлаб кетади”, “майишади, бироқ синмайди”, “тупроққа ботади”, аммо буткул ерга кириб кетмайди. Шеър сюжетининг кульминацион нуқтасига этибор қилинг:

⁴⁰ Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 222.

⁴¹ Шариф Нурхон. Яхшидан шарофат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 35.

Воҳ, ер тагидаям боболар эрдир,
шу лаҳза тиғ мисол илдизларимга,
кафтларини тираб тасалли берди,
кўзингни узма деб юлдузларингдан⁴².

Бу давр шоирлари дарахт ҳақида нафақат шеър, балки дoston ҳам ёздилар. Икром Отамурод XX асрда ёлғизликка маҳкум этилган инсон фожиасини “Ёбондаги ёлғиз дарахт” достонида ифода эта олди. Шоирнинг ёндашуви бўйича, Ёбон – дунё, Ёбон – инсоният. Ёбондаги ёлғиз дарахт – эзгулик. “Ёбондаги ёлғиз дарахт” достони эзгулик ва ёвузликнинг асрий курашини акс эттирар экан, эзгулик томон бўлиш улуғ азобдан туғилган фароғат, ёвузлик томонда бўлиш, аксинча, роҳатдан туғилган енгиб бўлмас, чидаб бўлмас оғрик эканини образлар, манзаралар, воқеликлар орқали ўзига хос оҳанг кўмагида ифода этгани билан кадрлидир. Инсон ўз эғизаги бўлмиш дарахт образини зўр меҳр билан яратар экан, гоҳ унга дардларини тўкиб-солди, гоҳ унинг дардкашига айланди. Ўрик, олма, олча, анор, тут сингари дарахтлар образлари XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърлятида элимизнинг турли қирраларини очишда, инсоният дардларини ифода этишда муҳим аҳамият касб эта олди.

Иккинчи ички фасл **“Туркий мифологияда мавжуд гулларнинг оғзаки ва ёзма шеърлятдаги бадий-эстетик аҳамияти”** деб номланади. Бу фаслда туркий асотирларда илоҳий саналган гулларнинг фольклор орқали ёзма шеърлятга кўчгани ҳақида фикр юритилган. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърляти гуллар образи орқали инсон руҳиятининг ўзига хосликларини акс эттирар экан, бу образларнинг фольклорда ифода этилган поэтик вазифасини кенгайтди. Дарахт билан бир қаторда баъзи гуллар ҳам образ сифатида маълум эстетик вазифа бажарди. Шундай образлардан бири бойчечакдир. Бойчечакнинг қор остидан униб чиқиши, зиддиятни синдира олиши, баҳордан дарак бериши, бойчечак очилиши билан тириклик юз очиши бунга сабабдир. Фольклоршуносликда “Бойчечак” кўшиғи мавсумий маросим кўшиқлари сирасига киритилган. Олимлар “бойчечакнинг осмон ғояси билан боғлиқлигини, бойчечак – бадавлат, мукаддас, илоҳий гул деган маъноларга эга бўлганлигини” ёзадилар⁴³. Бойчечак кўшиғи ҳақида олимлар Ғ.Жаҳонгиров, О.Сафаров, Ш.Турдимовларнинг тадқиқотлари бор⁴⁴.

Халқ “бойчечакни тутганларини, тут ёғочга осганларини, қилич билан чопганлари, сўнг бахмал билан ёпганларини” таъкидлайди. Бойчечакни зулмнинг қудратини синдириб, озодлик нафасини келтира олган илк даракчи сифатида ҳали зулми тўлиқ емирилмаганлар қиличи билан чопилган, сўнг эса ўша қилич эгалари томонидан дафн қилинган жасурлик тимсоли деб ҳам талқин қилиш мумкин. Туркийларда қимматбаҳо мато саналган кип-қизил бахмал – ёш кетган, қурбли инсон устига ёпилган. Халқ илоҳий гул – бой

⁴² Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМК, 1997. – Б. 185.

⁴³ Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 208.

⁴⁴ Жаҳонгиров Ғ. Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – Б. 70-75; Сафаров О. Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент, 2007. – Б. 90-93; Турдимов Ш. “Бойчечак” маросими // Мактабгача тарбия, 1992. – №3-4. – Б. 40-42.

чечак орқали ҳам баҳор ва қиш, ҳам эзгулик ва ёвузлик курашини ифодалай олган. Биз шундай англадик.

Усмон Азимнинг “Бойчечагим” шеъри болаликни соғинишдан, кир дунёдан чарчаган руҳиятнинг болаликка интилишидан туғилган. Шоир халқ сатрини ўтмишу-бугунни боғловчи риштага айлантиради. Бу сатр шоир шеъри бағрида ўта дардли, армонларга тўла тарзда намоён бўлган. Демак халқ сатри шоир шеърида моҳиятини кенгайтирган ва янги поэтик вазифа бажарган. Иқбол Мирзонинг “Бойчечак” шеърида эса халқ кўшиғининг “Бойчечагим бойланди” сатри бандларни ўзаро туташтирувчи сатр сифатида келтирилган. Шеър композициясини яхлитловчи воситанинг халқ кўшиғидан олиниши шеърнинг эл кўнглига тезроқ етиб боришини ҳам таъминлаган.

Гуллардан лола фольклорда ҳам ва ёзма шеъриятда ҳам образ сифатида қўлланган. Абдулла Шер эврилиш орқали инсоннинг лолага айланганини тасвирлайди. Бу ўз маъносида ҳам, кўчма маънода ҳам ўзини оқлаган. Шоир йигирмадан ошмаган йигит тупроққа айланиб бўлгану, яқинлари кутиб юрибди деб ўтирмайди, балки лолага айланганини акс эттириш орқали фольклордаги эврилишни, бир нарсадан иккинчисига айланиш жараёнини ифодалайди. Лола орқали йигит умрининг эрта хазон бўлганини, лоладаги кизиллик орқали эса жангда қони тўкилганини акс эттиради. Кўринадики, XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърияти фольклорда образ даражасига кўтарилган мифологизмлардан самарали фойдаланди, дарахт, бойчечак, лола каби ўсимликлар образи поэтик моҳиятини кенгайтирди.

IV бобнинг иккинчи фасли **“Фольклор ва ёзма шеъриятда қўлланган кенжа ботир ҳамда от образининг поэтик вазифаси”** деб номланган. Бу фаслда эртақларга хос кенжа ботир, дostonларда муҳим образ саналган от образига алоҳида тўхталиб ўтилди. Фольклорда уч ака-уканинг охиригиси саналган кенжа ботир ва унинг икки акаси бир ота-онанинг фарзанди бўлса-да, бир хил тарбия олса-да, табиатан уч хиллиги тасвирланган. Бу образлар фольклоршуносликда қайта-қайта таҳлил қилинган. Фольклоршунос Жаббор Эшонкул шу жараёни тадқиқ қилар экан, Н.П.Дыренкова, А.Попов, А.Н.Афанасьев, Ғ.Жалолов сингари фольклоршунослар кенжа ботир образи ҳақида ёзганларини қайд этиб, шундай дейди: “Хуллас, Кенжа ботир атрибутларини текширган барча тадқиқотчилар деярли бир хулосага келишади: Кенжа ботир хонадон анъаналарини давом эттириши, ота-онанинг орзуларини руёбга чиқариши зарур”⁴⁵. Фольклорга хос уч оғайни ботирлар образи фольклоршунос олим Ш.Турдимов томонидан янги талқин қилинди: “Кенжа шахзоданинг йўли – илоҳиёт йўли. У камолот сари руҳий сафарга чиққан шахс тимсоли”⁴⁶. Олимнинг бундай талқини халқ эртақларидаги Кенжа ботир образи қийматини оширади. Бу образнинг ёзма шеъриятга кўчиши ёшлар камолоти учун муҳим эканини далиллайди.

Усмон Азимнинг “Балладалар” номи остидаги воқеабанд шеърлари ҳам фольклоризмнинг барча турларини ўзида мужассам этгани билан кўзга

⁴⁵ Жаббор Эшонкул. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999. – Б. 74.

⁴⁶ Турдимов Ш. Ҳикмат хазинаси. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – Б. 38.

ташланади. Уларни фольклорга хос мотив ва образлар иштирокида илгари сурилган ғоя – эркинликни кўмсаш туйғуси бирлаштириб турибди. “Учинчи баллада”да шоир Маликанинг Кўҳиқофдан олиб қочиб келиниши мотивини қайта ишлаб, дoston ва эртакларнинг мотивларини синтезлаштирган ҳолда ўз фикрини ифодалайди. Шоир нафақат ўзбек, балки дунё эртакларига хос бўлган уч сеҳрли нарсадан фойдаланади: сеҳрли тароқ, сеҳрли кўзгу, сеҳрли қайроқ. Одатда ялмоғиз кампирдан қочаётган малика сеҳрли тароқни ташласа, чангалзор; кўзгуни ташласа, кўл; қайроқ ташласа, тоғ ҳосил бўлади. Шу тахлит малика анча пайт ёвуз кучлардан ҳимояланади. Бундай мотивни фольклоршунос К.Имомов “Тилсимни изоҳловчи формулалар”, – деб ҳисоблайди⁴⁷.

Кенжа ботир

Маликам, тулпорим тердан қорайди,
Кўҳи Қоф тарафдан кўзгалди тўфон.
Қуёш қочиб кетди, олам торайди...
Девлар ортимиздан келар бегумон!⁴⁸.

Тўфон девлар келаётганини ифодаловчи воситадир. Фольклоршунос Жаббор Эшонкул девнинг чанг-тўзон, олов, туя каби кўринишларда зоҳир бўлишини айтиб, “Бу жоннинг турли формаларда яшай олиши ҳақидаги қадим тасаввурлар билан чамбарчас боғлиқдир”, – деб қайд этади⁴⁹. Усмон Азим воқеабанд шеърда тугун, воқеалар ривож, кульминацион нуқтани юзага келтириб, шеърнинг ечимини шеърхонга ҳавола қилиб қўя қолади. Малика ва Кенжа ботирни “Булутларга тегиб тоғдек бошлари, машъаллар ёкиб” девлар қувиб келяпти. Девларнинг портретига хос бундай тасвир халқ эртақ ва дostonларида учрайди. Шоир драматизмни кучайтириш учун “Чангалзорлар ўтдай ўрилди”, “Шўрлик кўл қуриди – буруқсиб, буғланиб”, “тоғимиз сув бўлиб оқди”, – дея фольклорга хос ифода усули муболағадан фойдаланади. Девлардан қочаётган Кенжа ботир ва Маликага севгидан ўзга кўмакчи қолмайди. Усмон Азим сеҳрли воситалар кучини инкор қилиш орқали ҳам муҳаббатнинг, ҳам ботирнинг қудратини ошириб кўрсатишга эришган.

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърининг бошқа даврлардагидан фарқли ўлароқ кенжа ботир ва от образини кенг қўллади. Кенжа ботир мустабидлик зулмидан халос этувчи авлод образига айланди. Усмон Азимнинг “Ўн биринчи баллада”сида Ватанимизнинг XX асрнинг 91 йилигача давом этган қарамлик фожиалари ифода қилинган. Шоир мақсадини ифодалашда Бойчибор образи либос бўлиб бўлиб хизмат қилган. Бу образ шеърда халқимиз эрки тимсоли бўлиб гавдаланган. Дostonда йўқ одам ҳам, Бойчибор ҳам ташна. Дostonда йўқ одам образи – “Олға” деган замонга содиқ, тафаккури суст инсон. У Бойчиборнинг жиловидан қаттиқ тутиб, ҳақиқий манзилга тескари томон олға кетмоқда. Шоир ноҳаётгий ғоялар қурбони бўлган авлод образини яратар экан, қирқ чилтон ҳам саросимада эканлигини, Алпомишнинг арвоҳи

⁴⁷ Имомов К. Ўзбек халқ эртаклари / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 7-китоб. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 83.

⁴⁸ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМК, 1995. – Б. 253.

⁴⁹ Жаббор Эшонкул. Фольклор: образ ва талқин. – Б. 27.

чирқираётганлигини айтиб, фольклорга хослик ёрдамида драматизмни кучайтиради.

Дунё санъатида от образи алоҳида ўрин тутди. От инсоннинг содик дўсти бўлгани сабаб ардоқлаб келинган ва бу санъатда, жумладан, адабиётда ҳам ўз акси-ифодасини топган. Фольклоршунос Ҳ.Зарифов таъкидича: “От қахрамоннинг сафари ва курашларида доимий йўлдоши, ишончли қўлдоши ва яқин дўстидир”⁵⁰. Ўзбек халқ дostonларида девлар отга айланиб, инсон ёки парилар хизматига шайлангани ифода этилган. Отдаги шиддат, унинг эркак ташна жониворлиги сабаб илҳом париси учар от қиёфасида тасаввур этилган. Буларнинг бари шеъриятда от образига айрича меҳр билан ёндашилишига боисдир.

Адабиёт – гўзал бир от,
Шундай бир отки,
Ҳар кимни миндирмас ўзига.
Минганда ҳам ташлар ағдариб,
Дунё адабиётсиз ғариб⁵¹.

Омон Мухтор адабиётни от сифатида тасвирлайди. Юнон мифологиясида илҳом париси қанотли от қиёфасида гавдалантирилган. Шоир ундан фарқли ўлароқ адабиётни асов отга қиёс қилади, айна дамда, адабиётга юксак баҳо беради. Шоирлар гоҳо от билан ёрни ўзаро зидлаб, отни ёрдан ҳам баландга қўядилар.

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеъриятида от истиқлолни чорлаш учун, Алпомишу Гўрўғлининг янада қудратли эканини англатиш учун таъриф-тавсиф қилинди. Бу шеърият бошқа даврлардагидан фарқли ўлароқ кенжа ботир ва от образини кенг қўллади. Кенжа ботир мустабидлик зулмидан халос этувчи авлод образига айланди. От образи халқ дostonларидаги каби инсоннинг эгизаги, яқини, ҳамдарди маъносини ташиди. Замонавий шеъриятимизда от дунё мифологиясидаги каби илҳом париси, ҳатто адабиётнинг рамзи сифатида қўлланди.

⁵⁰ Зарифов Ҳ. Ўзбек халқ дostonларининг тарихий асослари бўйича текширишлар. Жанговар отнинг қадимий асосларига доир / Ўзбек халқ оғзаки ижоди бўйича тадқиқотлар. 4-китоб. Пўлкан шоир. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 65.

⁵¹ Омон Мухтор. Шаршара. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2011. – Б. 5.

ХУЛОСА

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърлятида оддий фольклоризм композицион воситага айланди, сарлавҳага айланиб шеър композициясида очкич вазифасини ўтади. Шеър ғоясининг ёркинроқ англанишига, асар бадииятининг юксалишига хизмат қилди. Бир мақолни кўплаб шоирлар қўллаши, аммо турлича ғоя ва мақсадни юзага чиқариши мумкин эканлиги шу давр шеърляти мисолида аён бўлди.

Синтезлашган фольклоризм асар сюжетиинг такрорланмас кўринишини юзага келтиришда хизмат қилса, аналитик фольклоризм шоир фикрининг далилига айланди. Мотив, образ ва ритм стилизацияси шеърлий асар ғоясини бўрттирди, бадииятига зеб берди.

50–60 йиллар ўзбек шеърляти ўзини мустабид тузумнинг зарбларидан ўнглашга уринди. Тузум тазйиқига қарши ўлароқ шоирларнинг икки авлоди елкама-елка ижод қилган 70–80 йилларда шеърлятимиз ғоявий-бадий жиҳатдан юксалди. Услублар ранг-баранглашди. Фольклордан фойдаланиш шоир услубининг бир қиррасига айланиши мумкинлиги, бундай шоирларнинг ўз фольклоризми борлиги аён бўлди. Шоирлар фольклоризми бирлашиб шеърлятнинг маълум даври фольклоризмини юзага келтирди, давр фольклоризми элни ғафлат уйқусидан уйғотиб, истиқлолни чорлади. Давр фольклоризми шеърлятнинг маълум даври услубининг бир қиррасини ҳосил қилди.

Ёзма шеърлят фольклордан айрим жанрларни ўзлаштирди. Алла, ёр-ёр, топишмоқ, латифанинг аниқ муаллиф томонидан яратилган ёзма намуналарини шартли тарзда “адабий” аниқловчиси билан айтиш орқали бир-биридан фарқлаш мақсадга мувофиқдир. Аллаларда лирик қаҳрамоннинг шахсий дардлари, адабий аллаларда шоир дардлари билан биргаликда ижтимоий дардлар, эл-юрт дардини ифодалаш устувор. Аллаларда куйлаш, бешик тебраниши ритмига мутаносиблик бор, аммо адабий аллаларнинг аксарияти бешик ритмига мослашмаган.

Адабий ёр-ёрлар халқ ёр-ёрларидан кескин тафовут қилмади, баъзан халқ ёр-ёрларидан бадиияти суствлиги сезилиб қолди. Давр дарди ифодаси, ёзгириш, қарғаниш уствлиги билан фарқланди, холос. Адабий топишмоқ чистондан фарқли ўлароқ вазни, яратилиш усулига кўра халқ топишмоқларига яқинлашди. Шу сабаб адабий топишмоқ дейиш ўринли. Шеърлий латифа жамиятдаги, инсонлардаги нуқсонларни сатира ва юмор тиғи остига олар экан, халқона ҳажвни гўзал оҳанг билан бера бошлади. Халқ латифаларидан фарқли ўлароқ шеърлий латифалар қаҳрамони номи ўзгарди.

Мифология дунё фольклорининг пайдо бўлиши, ривожланишига, ҳатто ёзма адабиёт тараққиётига жиддий таъсир кўрсатди. Айни дамда, мифологияга дахлдор сюжет, мотивлар, культ ва инончлар оғзаки адабиётда образ даражасига кўтарилиб, ўзига хос поэтик вазифа бажарган бўлса, фольклордан ёзма шеърлятга кўчиб ўтганда бу поэтик вазифа кенгайди. Сув оғзаки адабиётда туш таъбирчиси, культологияда сув атрибутлари саналган дарё

ошиқларни икки қирғоқда қолдирувчи сифатида айрилик рамзи бўлса, ёзма адабиётда халқ образи сифатида намоён этилди. Ёмғир эса инсон руҳиятини тозаловчи, қайғуларини ошкор этувчи, айна дамда, дарддош осмон суви сифатида образлантирилди. Олов ва у билан боғлиқ тушунчалар образ даражасига кўтарилди ҳамда XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеъриятидаги образлар оламини кенгайтирди, давр шеърияти поэтикасини бойитди.

Мифологияда олма, ўрик, олча, анор, тут дарахти ҳосилдорлик, серфарзандлик маъноларини ташиган бўлса, оғзаки шеъриятда ҳам шундай моҳият касб этди. Ёзма шеъриятда олма, олча кўпроқ ўз маъносини сақлаб қолган бўлса, ўрик, тут ҳосилдорлик маъносига таянган ҳолда қудратлилик, чидамлилик маъносини ташиди. Ўрик ва тут дарахти ўзбек халқининг, унинг улуғлари тимсоли сифатида гавдалантирилди.

Асотирларда илоҳий гул саналган бойчечак, бинафша лирик қаҳрамоннинг дардкаши, туйғуларининг ифодачиси сифатида қўлланди. Халқнинг “Бойчечак” қўшиғидан олинган сатр шоирлар учун шеър композициясини яхлитловчи, ритмини юзага келтирувчи восита вазифасини бажарди. Лола, лолақизғалдоқ ёзма шеъриятда фольклорга хос эврилиш кўмагида жангда ҳалок бўлганлар рамзига айланди.

Кенжа ботир образи орқали истиқлолни олиб келувчи, Ватанни қўриқловчи қудратли, жасоратли авлод сиймоси намоён этилди. От образи, аввало, Бойчибор, Ғиркўк мисолида, ўзбек эркагига муносиб йўлдош, кўмакдош жонивор; эрк, илҳом париси, адабиёт рамзи сифатида тасвирланди.

Фольклорга хос образлар маҳорат билан қўлланар экан, улар шеъриятимизнинг образлар оламига хос ранг-барангликни сақлаб туришда хизмат қилди, ўзига юкланган янги поэтик маънолар билан шеъриятимизни бойитди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Fil.46.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА,
ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ШАРИПОВА ЛАЙЛО ФРУНЗЕЕВНА

**ФОЛЬКЛОР В ХУДОЖЕСТВЕННОМ РАЗВИТИИ УЗБЕКСКОЙ
ПОЭЗИИ ВТОРОЙ ПОЛОВИНЫ XX ВЕКА**

10.00.02 – Узбекская литература

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc) ПО
ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована за номером B2019.4.DSc/Fil186. в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.tai.uz и Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” www.ziyo.net.

Научный консультант: **Ахмедова Шоира Нематовна**
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Хамдамов Улугбек Абдувахобович**
доктор филологических наук

Турдимов Шомирза Ганиевич
доктор филологических наук

Хасанов Шавкат Ахатович
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация: **Джизакский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится “_____” _____ 2019 г. в _____ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.27.06.2017.Fil.46.01 при Институте узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан по адресу: 100047, Ташкент, проезд Шахрисабз, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail:uzlit @uzsci.net.

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан. Адрес: 100100, Ташкент, улица Зиёлилар, 13. Тел.: (99871)262-74-58.

Автореферат диссертации разослан “_____” _____ 2019 г.
(Протокол № _____ от “_____” _____ 2019 г. реестр № _____).

Б.А.Назаров
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.филол.н., академик

Р.Баракаев
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.филол.н.

Н.Ф.Каримов
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.филол.н., академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом литературоведении отмечается широкое использование фольклора и его элементов, что способствует художественному совершенствованию произведения. Научная литература не располагает однозначной оценкой роли фольклора в развитии литературы каждого народа в различные исторические периоды. Однако из мировой практики, в частности узбекской поэзии, известно о заимствовании из фольклора таких понятий, как «жанр», «сюжет», «строфа», «строка», «рифма». Однако поэзии не все заимствования были приняты либо сохранены полностью. Между тем, прижившиеся заимствованные сюжетные элементы фольклора не только сумели подчинить её своим правилам, но и синтезировали и творчески развили её. Изучение этого процесса поэтапно составляет одну из главных задач литературоведения – определить влияние фольклора на развитие поэзии. Необходимость привития молодому поколению чувства любви к народной поэзии, поэтическому жанру, воспевающему красоту, чувство сопереживаемости, доброты, является одной из главных задач духовного воспитания подрастающего поколения, чем подтверждается актуальность темы диссертационной работы.

Мировое литературоведение, фольклор, проза, в том числе и поэзия, рассматриваемые в процессе сопоставления и сравнения, дают возможность на примере творчества поэтов и писателей проследить проникновение фольклора в прозу через призму времен и эпох и оценить роль такого перехода в расширении рамок воздействия литературы и литературоведения в целом на окружающий мир. Устное народное творчество и литература являют собой своеобразную систему, которая формирует долговременную взаимосвязь, построенную на непрерывающихся исследованиях и анализе. К велению времени следует отнести влияние мифологии через фольклор на письменную поэзию на примере определенного периода.

С установлением независимости отмечается интенсивное развитие во всех отраслях и сферах, в том числе в литературе и литературоведении. В частности, широкие возможности предоставились для изучения влияния фольклора на письменную прозу, что очень важно для развития узбекской литературы. Развитие художественной литературы, её чтение молодежью способствует духовному и эстетическому воспитанию молодого поколения, привитию этических норм поведения и таких качеств, как доброта, человечность. “... Невозможно достичь высокой духовности, процветания и развития без книг. Нет будущего у человека и общества, который не читает книгу”¹. Доказательством воплощения этой мысли служат принятые указы и постановления, направленные на активизацию работы по приобщению молодежи к чтению книг, на образование и воспитание подрастающего

¹ Мирзиёев Ш. Буюк келажгимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – Б. 114.

поколения. В этом плане значительная роль отведена современной узбекской поэзии. Изучение и определение ее своеобразия, оценка художественных возможностей поэта, анализ искусства использования элементов фольклора в творчестве позволят определить степень влияния фольклора не только на стиль поэта, но и на эпоху, в которую он творил. Обоснованием этого призваны служить литературные загадки, литературные прибаутки, литературные колыбельные и многие другие жанры фольклора, сходство и различие образов в устной и письменной поэзии.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан от 13 мая 2016 г. № УП-4797 «О создании Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои», от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 21 октября 2019 г. № УП-5850 «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка», Решений Президента Республики Узбекистан от 17 февраля 2017 г. № ПК-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», от 13 сентября 2017 г. № ПП-3271 «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения», от 5 апреля 2018 г. № ПП-3652 «О мерах дальнейшему совершенствованию деятельности союза писателей Узбекистана», а также в других нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Развитие информационного общества и демократического государства, правовое, экономическое, культурное, духовно-просветительское развитие Республики Узбекистан».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Научные исследования по изучению узбекской поэзии проводятся во многих ведущих зарубежных научно-исследовательских центрах и высших учебных заведениях, в том числе University of Indiana, University of Michigan (США), Московском государственном университете, Российском гуманитарном университете (Россия), Istanbul Üniversitesi, Ankara Üniversitesi (Турция), Институте литературы национальной академии национальных наук, Бакинском Евразийском университете (Азербайджан), а также Ташкентском

² Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации осуществлен на основе следующих источников: www.wisconsinuniversity; www.indiana.edu; www.humboldt.edu; www.michigan.uni.edu; <https://asiecentrale.revues.org/2919>; <http://www.dissercat.com>; www.britanica.com; www.cambridge.org; www.amazon.com; www.twipx.com; www.london.ac.uk; www.ox.ac.uk; www.agency-nationallresearch.fr; www.harvard.edu; www.uni-bonn.de и др.

государственном университете узбекского языка и литературы им. Алишера Навои (Узбекистан).

Американскими учеными был проведен ряд научных исследований, посвященных узбекской поэзии второй половины XX в.: изучены поэтические произведения, отвечающие духу своего времени, воспевающие свободу и свобододолюбие. В этих исследованиях поэзия охарактеризована как социальное явление, мир художественных образов, воссозданных посредством поэтических элементов, художественных деталей и формирующих новое явление – социальный и художественный образ в узбекской литературе и поэзии, как эстетическое явление в целом (Universitu of Texas). Исследованы поэзия XX в., её природа, отвечающая изменениям в обществе, поднимающая проблемы человека (Институт узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз), определены принципы ее развития и сформулированы выводы (Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы им. Алишера Навои).

В мировом литературоведении ждут своего исследования своеобразные свойства и особенности узбекской поэзии первой половины XX в., влияние на неё мифологии, фольклора, определение приоритетных направлений. Определенные шаги сделаны в аспекте изучения своеобразия узбекской поэзии второй половины XX в., определения значимости формы и содержания поэтического произведения, формулирования научно-практических выводов при сопоставлении с фольклором устной и письменной поэзии, присущих им жанров, мотивов, образов, тональности. Определение места фольклора и фольклористики в поэтике, взаимоотношений простых и сложных элементов фольклоризмов в устной и письменной литературе как результата переходности жанров; влияния фольклоризма на творчество и стиль поэта и ее роли в формировании его стиля, обоснования значимости синтеза свойств фольклора в переходе на письменную поэзию и освоение письменной поэзией жанров фольклора, влияния мировой мифологии на письменную поэзию намного обогатят палитру поэтических средств выражения узбекской поэзии.

Степень изученности проблемы. В последнее время объектом изучения мирового литературоведения служат вопросы о роли влияния фольклора на письменную литературу. Взаимосвязь фольклора и письменной литературы безгранична. В связи с этим исследователи обращаются к таким аспектам их взаимоотношений, как роль и влияние устного народного творчества на формирование национальной письменной литературы, средства их выражения и их художественные формы, основные принципы развития фольклористики и ее художественность, а также влияние письменной литературы на фольклор.

Письменная литература второй половины XX в. подпитывалась фольклором, т.е. шел процесс под названием «фольклоризм». Этот процесс в мировом литературоведении начали изучать в 60-е годы XX столетия на примере русской, азербайджанской, узбекской, таджикской, украинской

литератур³. Изучение взаимоотношений письменной литературы и фольклористики в узбекской литературе началось в 60-70-е годы XX в. Этот процесс, в основном, носил монографический характер. В исследованиях изучались, главным образом, традиции фольклора, мастерство писателя и поэта в использовании ими в своем творчестве фольклорных элементов, новый литературный процесс и новые литературные формы, а также фольклорные основы в сюжетах художественного произведения⁴.

В 80-е годы XX столетия в узбекском литературоведении были предприняты попытки обосновать теоретические аспекты фольклоризм. В научных исследованиях того периода стали затрагиваться вопросы фольклоризм. Некоторые кандидатские диссертации были посвящены развитию литературных видов и жанров фольклористики и их роли в определении типов⁵. Однако актуальность исследования заключается в том, что взаимосвязь фольклора и письменной литературы в различные периоды была неоднозначной, от чего, каждый вид и жанр приобретал своеобразный характер, определяясь умением выявить художественные способности писателя и поэта. Проблема проявления художественности, как и многие другие ее аспекты до сих пор ждут своего решения.

До обретения независимости узбекское литературоведение располагало незначительным числом исследований, посвященных некоторым аспектам взаимосвязи фольклора и письменной литературы. Если национальная поэзия заимствовала в какой-то степени из фольклора, то это сквозь призму веков касалось освоения волшебных мотивов и использования их элементов.

Узбекская поэзия второй половины XX столетия была подразделена исследователями на периоды. Литературовед Н.Каримов связывал развитие узбекской поэзии XX столетия с идеей национальной независимости⁶. Улугбек Хамдам всесторонне изучил аспекты принципов развития поэзии⁷. Эти исследователи внесли определенный вклад своими идейно-художественными

³ Азадовский М.К. Статьи о литературе и фольклоре. – М.,-Л.: Гослитиздат, 1960. – С. 547; Емельянов Л.И. К вопросу о фольклоризме древней русской литературы // Русской фольклор. Т. VII. – Л., 1962; Выходцев П.С. На стиге двух художественных культур (Проблема фольклоризма в литературе) // Русский фольклор. Т. XIX. – Л., 1979. – С. 3-31; Горелов А.А. К истолкованию понятия “фольклоризм литературы” // Русский фольклор. Т. XIX. – Л., 1979. – С. 31-49; Дальгат У.Б. Литература и фольклор. – М.: Наука, 1981. – 303 с.

